

Абдулла Қодирий таваллудининг 120 йиллигига

Умарали НОРМАТОВ

ҚОДИРИЙНИНГ СЎНГГИ ИЛТИЖОСИ



Тошкент 2014

УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)

Н-79

Азиз китобхонлар! Абдулла Қодирий ижоди мухлис-лари! Қўлингиздаги мўъжазгина рисолада улуг адибнинг шахсияти, мустаҳкам имон-эътиқоди ҳақида янги маълумотлар билан, авлодлари ва замондошларининг ёзувчи ҳақидаги ўчмас ёдномалари билан, адибнинг ўлмас асарлари дунёга келишининг айрим тафсилотлари билан танишасиз.

Масъул муҳаррир:

Баҳодир КАРИМОВ,

филология фанлари доктори

Норматов, Умарали

Қодирийнинг сўнги илтижоси / У. Норматов; масъул муҳаррир Б. Каримов. – Тошкент: «Moʻgʻolnahr», 2014. – 64 б.

ISBN 978-9943-12-263-5

© Умарали НОРМАТОВ

© «Moʻgʻolnahr» нашриёти, 2014

ХОТИРА ҲИКМАТИ

(Сўзбоши ўрнида)

Абдулла Қодирийнинг донишманд қаҳрамонларидан бири “умр – отилган ўқ эмиш”, дейди. Ўйлаб қаралса, яқиндагина Қодирий таваллуд айёмининг 100 йиллиги нишонланган ва бу жараёнда адиб асарларининг янги талқинлари майдонга келгандек эди. Ҳадемай орадан йигирма йил ўтибди. Ҳар ўтган кун, ҳар ўтган давр тарихга, хотирага айланади. Хотиралар эса орадаги масофа кенгайиб боргани сари совийди, хира тортади, ёддан кўтарилади. Энг қизиғи, агар ижод аҳлига оид хотиралар сунъий, тўқилган, ғайритабиий бўлса, гарчанд улар зар муқовали китоблар ичига жойлаб қўйилса ҳам, барибир эсдан чиқади. Чунки ижодкорнинг инсоният хотирасига абадий муҳрланиши учун, энг аввало, ўқувчилар излаб, топиб, суюб, ўйлаб, қувониб, йиғлаб ўқийдиган асарлари, адабий дурдоналари бўлиши лозим.

Ўзбек миллати манглайига битилган Абдулла Қодирийдек истеъдод эгаси орадан асрлар ўтса ҳам, одамлар хотирасидан ўчмайди. Бунинг энг асосий омили – адиб ёзган гўзал санъат асарлари. Гапни хотира ва асарлардан бошлашимиз бежиз эмас. Асарлари баробарида ёзувчининг инсоний фазилатлари, ҳаёт тарзи ҳар доим кўпчиликни қизиқтиради. Аслида, ёзувчи маънавий дунёси ижодида акс этади ва аксинча. Абдулла Қодирийнинг романларига кўчган юрак дардлари ва қаҳрамонлари дунёсини англашда адиб тўғрисидаги хотиралар очқич вазифасини бажаради. Ушбу рисола муаллифи, устоз Умарали Норматов Абдулла Қодирий ҳақидаги хотира китобларига айнан ана шу илмий-назарий мезонлар билан ёндашади. Ҳалигача қодирийшуносликда “Отам

ҳақида”, “Қодирийнинг сўнги кунлари”, “Ўтганлар ёди”, “37-хонадон”, “Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида” каби китоблар махсус ўрганилиб, кадр-қиммати етарлича баҳосини олгани йўқ. Шу бўшлиқни тўлдириш учун У. Норматов “Хотираларда адиб сиймоси”ни ёзар экан, Ҳабибулла Қодирий, Масъуд Қодирийнинг оталарини эслаб ёзган асарлари ҳамда адибга замондош кишиларнинг хотираларига диққат қаратади. Бу манбалар Қодирийнинг табиати, асл маслаги, имон-эътиқоди, ижод лабораториясининг айрим қирраларини очишга ёрдам беради. Зеро, психобиографик тадқиқ усулига кўра, мактублар, турли қўлёзмалар, кундаликлар, шахсий архив манбалари қаторида ижодкорнинг яқинлари ва замондошлари ёзган хотираларнинг ёзувчи бадий оламини тушунишдаги кадр-қиммати беқиёс. Немис олимлари учун И. Эккерманнинг “Гёте билан гурунглари” асари бебаҳо хазина, улуғ адибнинг маънавият мулкига киришда сеҳрли калит саналади. Бир пайтлар рус адибларидан А. Чехов билан М. Горький ўзаро суҳбатларида немисларга ҳаваси келиб, Лев Толстойнинг доно фикрлари исроф бўлаётганидан, унга фидойи котиб етишмаганидан афсусланади. Гётега насиб этганидек, дейлик, Л. Тостой ва А. Қодирийдек улкан истеъдодлар ёнида “эккерманлар”нинг яшаши миллий адабиётни бойитган бўларди.

Жаҳон адабиётидаги жуда кўп адиблар умрининг охириги паллалари батафсил ёзиб қолдирилган. Маълумотларга кўра, И. Гёте умрининг сўнги дамларида кўпроқ ёруғлик ва тоза ҳаво сўрайди. Л. Толстой эса “Нима қилишимни билмай қолдим!” деганича боқий дунёга риҳлат этади. Хўш, Абдулла Қодирийнинг сўнги кунлари, охириги нафаслари хусусида нималар биламиз? Шу пайтгача ҳужжатли, аниқ тафсилотли маълумот топилмади. 1937 йил

31 декабрида уйидан олиб кетилгани, терговлар; та-ниш-билишларнинг кўрсатмалари, 1938 йил 4 октябрида отилгани хусусида умумий маълумотлар бор, холос. Назаримда, У. Норматовнинг силсила хотиралар асосида ёзган “Қодирийнинг сўнгги илтижоси” мақоласи адиб умрининг охириги лаҳзалари юзасидан яхши тасаввур уйғотади; кўнгилга таскин беради. Ўқувчи мақола таъсирида “инсон учун дунёда ўлумдан кўркунч нарса йўқ” лигини жуда теран ҳис этган шахснинг мардлиги ва жасоратига таҳсин айтади. Қолаверса, бу манзара “Меҳробдан чаён” романи бош қаҳрамони, ўлимга ҳукм қилинган Мирзо Анвар ҳолатига оид бир эпизодни ҳам эсга солади. “Дор остида Анварнинг қўли ечилиб, таҳорат олиш учун унга сув берилди. Чунки бу маҳкумнинг қонуний ҳаққи эди... Анвар таҳоратланиб, устидаги тўнини ерга ёзди. Жаллодлар доирани бир оз кенгайтиб, Анвар икки ракат намоз ўқиди...” Абдулла Қодирий суюкли қаҳрамонига ўлими олдидан, дор остида шундай бир қонуний ҳуқуқни “берган” экан, ўзи ҳам ўлими олдидан ҳукм ижрочисидан, аввало, ўз “қонуний ҳаққи”ни сўраши, иккинчи тарафдан, “қайралаётган пичоққа бутунлай парвосиз, кўркувсиз” қараши анча ишончли ва табиий кўринади.

Тўғриси, менда Масъуд Қодирийдан мерос-оғзаки хотира асосида ёзилган бу воқеа, машъум вазият тафсилоти – маҳкум адибнинг сув сўраши, таҳорат олиб икки ракат намоз ўқиши, тақдир ҳукмига бўйин эгиши ва бир оёқнинг тупроқдан ташқарида кўмилмай кўриниб қолиши – барча-барчасини аниқ-тиниқ тасвирлаган фожиавий пафосли яхши бир воқеий ҳикоя ўқилганидек таассурот қолдирди. Чунки туҳмат ва хиёнатларга бардошли адиб тўққиз ойлик руҳий азобларга қиёсан жисмоний ўлим қаршисида мардона тура олиши мумкин эди.

Аллоҳ зикри билан Шаҳодат калимасини айтиб жон таслим этиш, жаннатдан умидворлик имонли одам табиатига хос. Шу маънода Қодирий умрининг сўнги лаҳзалари тўғрисида ҳар қандай бошқа, турли талқин ва тахминлар бўлмасин, мақолада баён қилинган воқеа мантиқ кучи билан ажралиб туради. Бу “сўнги илтижо” адиб мухлисларининг юрагини ўртаб, зирқиратиб, хотиржам қилади. Қолаверса, домламиз келажакда бунга қараганда ишончли манба топилиш аҳтимолини инobatга олиб, холислик юзасидан, олдиндан узрини айтади ва улар учун ҳам эшикни очиқ қолдиради.

Китобчада “Чин эътиқод, беназир истеъдод соҳиби” сарлавҳали суҳбат бор. Суҳбатдош Собиржон Ёқубов ҳар қандай ижодкорнинг бебаҳо қалб жавҳари – имон-эътиқоддан сўз очади. Саволларга Умарали ака адиб ижодининг билимдони сифатида батафсил, далиллар билан жавоблар беради; айти пайтда, қодирийшунослик олдида турган вазифаларни, бу соҳада бажарилиши лозим бўлган ишларни аниқ баён қилади. Қодирий меросининг матний тадқиқи ҳам, бутун ижоди моҳиятига сингиб кетган эътиқодий масалаларни кенг кўламда ўрганиш ҳам – жуда ўринли талаб ва долзарб вазифа. Аслида, бу талаб ҳамда вазифалар Абдулла Қодирийнинг ҳозирги кунда биз ўқиётган асарларидан келиб чиқади. Қодирийни ҳар бир авлод ўзича ўқийди ва ўзича талқин этади. Ишонамизки, бунда такрордан кўра янгиликлар кўпроқ бўлади.

Хотирлаб кўрсам, мен домлам Умарали Норматовни “Шарқ юлдузи” журнали орқали мактабни битириш арафасида таниган эканман. Ўқилган қайсидир роман қаҳрамони исми таъсириданми, ҳартугул, кейинчалик бир жамоада бақамти ишлаш, устоз-шоғирд тутинишимиз мутлақо хаёлимга келмаган шу исми шариф ортидаги мунаққид ўша

ғойибона танишувим маҳалида жуда ёш ва навқирон бўлиб кўринган эди. Университетга ўқишга кириб қарасам, у киши улкан олим, профессор, кафедра мудири, фан арбоби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси экан.

Бироқ ўқувчилик тасаввуримдаги ўша беғубор сифат, тўғриси, ҳозиргача ўзгармади. Юракдан чиққан самимий маърузалар, мароқли ва жўшқин суҳбатлар... Энг муҳими, бу ўктам овоз домламининг ёзган китоблар матнидан ҳам баралла эшитилади. Ижодкор инсон учун ёзганлари ўзига ўхшаса, шундан ортиқ саодат йўқ...

Ҳурматли ўқувчи! Профессор Умарали Норматовнинг ушбу “Қодирийнинг сўнгги илтижоси” асарини ўқиб, янгича талқинлардан баҳра оласиз, хотиралар замиридаги ҳикматни англайсиз ва устознинг жарангдор овозини эшитасиз. Бунга ишончим комил.

Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

ХОТИРАЛАРДА АДИБ СИЙМОСИ

Миллий адабиёт ривожда чуқур из қолдирган, унинг фахри, кўрки саналган адиблар ҳаёти, шахсияти, ижодий меросини ўрганишда улар ҳақида жигарбандлари баён этган, шунингдек, уларни яқиндан билган замондошлари хотираларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари адабиётида ҳаётдан ўтган таниқли ижодкорлар ҳақида хотиралар ёзиш, уларни мунтазам нашр этиш тажрибаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бизда ҳам одат тусини ола бошлади... Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳ. Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ҳақидаги хотиралар, айниқса, Ойбек билан А. Қаҳҳорнинг умр йўлдошлари – Зарифа ва Кибриё опалар қаламига мансуб “Ойбегим менинг”, “Чорак аср ҳамнафас” китоблари, шунингдек, Саид Аҳмаднинг дилига яқин устозлари ва шогирдлари, умр йўлдоши Саида Зуннуновага бағишланган “Йўқотганларим ва топганларим” мажмуаси адабий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Шухрат, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Ўлмас Умарбеков, Нemat Аминов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Шавкат Раҳмон каби таниқли шоир, носирлар, устоз Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов сингари мунаққид-адабиётшунослар ҳақида замондошларининг тасаввурлари эскирмай туриб, қизиғида қозғога тушгани, китоб ҳолида дунё юзини кўргани билан қимматлидир.

Афсус, янги ўзбек адабиётининг дарғалари – замонасига сиғмаган, қатағон қурбонлари Фитрат, Қодирий, Чўлпон ҳақида ўз вақтида шундай хотира китоблар яратиш имкони бўлмади. Фитрат билан Чўлпон оқланганидан кейин ҳам улар ижодий меросини халққа қайтариш, ҳаёт ва ижод йўлига

оид бор ҳақиқатни айтиш ўта қийин кечди. Фақат истиқлол арафаси ва мустақиллик йилларидагина бунга йўл очилди. Бахтга қарши, бу даврга келиб Фитрат ва Чўлпонни яқиндан биладиган, муҳими, улар ҳақида хотира ёзишга қодир-қобил шахслар бармоқ билан санарли қолган эди. Устоз Озод Шарафидинов ташаббуси билан Фитрат, Чўлпонни кўрган-билганлардан ёзиб олинган хотиралар ҳам мазмунан ўзига яраша, хийла паришон чиқди, уларнинг айримлари “Адабиёт надир?” тўпламидан жой олган. Боз устига, бу алломалар ортида садоқатли, фидойи шогирд, умр йўлдош, оға-инилар, фарзандлар қолмагани учун мавжуд имкониятлар бой берилди.

Бу борада Қодирийнинг омади бор экан. Адибнинг 1918 йили туғилган ўғли тиббиёт институти толиби Ҳабибулла Қодирий падари бузруквори ҳибсга олинганида 20 ёшда бўлиб, эсини таниганидан оила муҳитида кадрдон отаси ҳаёти, ижодий фаолияти, қисматида оид жамики катта-кичик воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлган, қолаверса, унинг ёнида туққан онаси, бувиси, ўзидан саккиз ёш кичик иниси Масъуд, опа-сингиллари яшарди. Ота қамоқда эканида катта оиланинг бутун ташвиши тўнғич ўғил – ўша кезлари суяк сили касалига чалиниб гипсда ётган Ҳабибулла зиммасига тушади. Машъум таъқиблар замонида бу хаста ўғлон “халқ душмани” хонадонининг бошига ёпирилган жамики кўргиликларга дош бериб, оила аҳлини “қил кўприк” дан эсон-омон ёруғ кунларга олиб ўтишда мисли-сиз жасорат кўрсатади. Бу орада унинг ҳам гарданига жафокаш отанинг куни тушади, 1945 йил 28 майда ҳибсга олиниб, “аксилиниқилобий ёшлар ташкилотининг раҳбари бўлган, отасининг тақиқланган асарларини уйида сақлаган, совет ҳукуматига қарши агитация ишлари олиб борган” деган айбловлар билан ўн йил қамоқ ва сургун азобларини бошдан кечи-

ради. Бу мудҳиш жараён тафсилотлари Ҳабибулла аканинг “Қодирийнинг сўнги кунлари” хотира-қиссасининг “Навбат бизга”, “Тергов”, “Лагерларда” деб номланган бобларида батафсил ёритилган. Ниҳоят, 1955 йил январида у озодликка чиқади. Сталин вафотидан кейинги “илиқлик” туфайли 1956 йил 9 октябрда отаси Қодирий, 1957 йил 27 апрелда эса ўғлон Қодирий оқланади. Ҳабибулла ака ўн йил бурун тиббиёт соҳасида чала қолган таълимини давом эттириб, ўқишини тугатгач, Тошкент шаҳридаги 10-хастахонада узоқ йиллар шифокор бўлиб хизмат қилади. Ўша кезлари отадан юққан “дард” – бадий ижодга майл кўрсатиб, қисса, ҳикоялар ёзишга киришади, айти пайтда, отасининг ижодий меросини тўплаш, у кишининг ҳаёти, шахсияти, ижодий қисматига оид маълумотларни жамлаш ишига бел боғлайди. Қодирийни кўрган-билган замондошларидан у ҳақдаги хотираларни йиғиш, ёзиб олишга киришади, айти пайтда оила муҳитида ўзи бевоҳита шоҳиди бўлган воқеа-ҳодисаларни қоғозга туширишга чоғланади. Шу тариқа бир пайтнинг ўзида ўтган аср 70-йиллар миёнасида “Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида” ва ўз қаламига мансуб “Отам ҳақида” хотиралар китоблари майдонга келади. Ғафур Ғулум номидаги нашриётда 1974 йили таниқли адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов сўзбошиси билан босилиб чиққан бу китоб адабий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бундан руҳланган муаллиф хотиралар устидаги ишини давом эттириб, китобнинг тўлдирилган иккинчи нашрини тайёрлади ва у 1983 йили 60 минг нусхада босмадан чиқди. Айти бир пайтда Ҳабибулла ака адибни яхши билган замондошлари хотираларини тўплаш билан машғул бўлди. Лекин кўп йиллик заҳматлар эвазига йиғилган 40 га яқин киши ёдномасини ва тўпловчининг воқеий шин-

гил ҳикояларини қамраган бу мажмуанинг нашр қисмати кўнгилдагидек чиқмади (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз).

Ниҳоят, Ҳабибулла Қодирий умри поёнида “Қодирийнинг сўнги кунлари” хотира-қиссаси устида ишлади. Оғир хаста бўлишига қарамай, бор куч-қувватини ишга солиб, адиб умрининг энг таҳликали кунлари ҳақидаги фигонларга тўлана срий ҳужжатли достонини поёнига етказди; ўғли Хондамир эса архив ҳужжатларини топиб, улардан нусхалар олишда отасига кўмаклашиб турди; асар муаллиф вафотидан кейин “Ёшлик” журналида (1989 йил, 4–7-сонлар) эълон этилди. Дарвоқе, Ҳабибулла ака бундан олдинроқ Қодирийнинг 1913–1937 йиллар орасида матбуотда эълон этилган публицистик асарлари хусусида “Фельетон қироли ёки ўз элининг махсус муҳбири” номли рисоласини ёзди (Бу ишда ҳам ўғли Хондамир кўмакчи бўлди).

Айни пайтда, Ҳабибулла ака отаси қаламига мансуб кичик асарлар – шеър, драма, ҳажвия, публицистик ва адабий-танқидий мақолаларни қидириб топиб, нашрга тайёрлаш бобида кўп заҳмат чекди. Шерали Турдиев билан ҳамкорликда уларда қўлланган олтмишга яқин адабий таҳаллусни аниқлаб, тўпламни 1969 йили “Кичик асарлар” номи билан чоп эттирди.

Шахсан камина бевосита гувоҳман – Ҳабибулла ака икки ўғли Хондамир ва Шерконни икки ёнига олиб, уларни ҳам қодирийшунос қилиб тарбиялади; Хондамир отаси раҳбарлигида “Гирвонлик Маллавой” номи остида қиссалар, ҳажвия, очерк, мақолалар ва фельетонлар тўпламини (1987), “Ўткан кунлар”нинг 1926 йилги нашри асосида асл тўла нусхасини, “Меҳробдан чаён”нинг 1929 йилдаги китоб вариантыга асосланган нашрини тайёрлаб, 1992 йили яхлит китоб ҳолида нашрдан чиқарди. Шеърлар, ҳикоялар,

саҳна асарлари, ҳангома, фелъетон ва мақолалардан иборат нисбатан энг тўлиқ ҳисобланган салмоқли мажмуани “Диёри бакр” номи остида чоп эттирди (2007 йил). Бу борада ота ўғил Хондамир Қодирий ҳозирча бизда ягона ишончли қодирийшунос-му-тахассис деб тан олинган. Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институ-ти томонидан тайёрланган Абдулла Қодирий “Тўла асарлар тўплами” биринчи жилди – шеърлар, ҳикоя ва очерклар, ҳажвиялар китобининг (1995) таҳрир ҳайъати таркибида унинг исми шарифи ҳам бор. Институт томонидан берилган изоҳда ушбу нашр адибнинг невараси Хондамир Қодирий томонидан синчиклаб кўриб чиқилгани айтилиб, унга миннат-дорчилик билдирилган.

Хондамир бобоси мероси билан баробар пада-ри бузруквори архивини асраб-авайлаб, асарларини қайта нашрга тайёрлашда ҳам жонбозлик кўрсатиб келяпти. Жумладан, унинг ғайрати билан Ҳ. Қоди-рий қаламига мансуб хотиралар 2005 йили “Отам-дан хотира” номи остида чоп этилди. Айни пайт-да Ҳабибулла аканинг кичик ўғли Шеркон ҳам ака-си ёнида туриб, бу қутлуғ ишда унга камарбасталик кўрсатаётир. Таниқли адиб Тоҳир Малик таҳрири ва мухтасар сўзбошиси билан 2009 йили нашр этилган “37-хонадон” китоби бунинг далилидир.

Шу кунларда атоқли адабиётшунос Наим Кари-мов бошчилигида “Абдулла Қодирий қомуси”ни яратиш борасида қизғин иш бормоқда. Мана шу ўта масъулиятли, савоб ишда буюк адибнинг оға-ини набиралари ҳам иштирок этаётгани таҳсинга сазо-вордир.

Шу ўринда “Отамдан хотира” китобини нашрга тайёрлаган Хондамир Қодирийга айтадиган айрим эътироз ва истакларимиз ҳам бор. Боболарининг ижодий мероси каби оталаридан қолган ноёб мерос

– хотиралар нашрига ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик, масъулият билан муносабатда бўлишини истардик. Масалан, тилга олганимиз ушбу тўпламда икки асар – “Отам ҳақида” хотиралари билан “Қодирийнинг сўнгги кунлари” хотира-қиссаси қўшиб юборилган; жиддий таҳрир, қисқартиришлар, бундан ҳам ажабланарлиси, “Қодирийнинг сўнгги кунлари” даги қатор бобларни (жами 16 бобдан олтитасини) тушириб қолдириб, айрим боблар ўрнини алмаштириб, ўта қисқартириб, гўё “Отам ҳақида” асарининг бир боби (VI боб) тарзида тақдим этилиши, менимча, ўзини оқламаган. Тўғри, хотира-қиссанинг журнал вариантыдаги айрим бобларда келтирилган баъзи ҳужжатлар ва уларнинг талқини теварагида ўз вақтида қизгин мунозаралар бўлган, эътирозлар билдирилган эди. Уларнинг қанчалик ҳақ ва ўринли эканини аниқламай туриб, осонгина йўл тутиб, улардан биратўла воз кечиб қўя қолиш адолатдан эмас.

Турли даврларда, турли руҳ, оҳангда битилган икки асарнинг баҳсли ўринларига илмий шарҳ, изоҳ берган ҳолда, зарурат туғилганда, ҳақиқатга ҳилоф, шахсиятга тегадиган ўринларнигина тушириб қолдириш мумкин дир. Улкан шоиримиз Абдулла Орипов китоб муқаддимасида ёзганидек, улуғ адибнинг садоқатли ўғли ўз отаси ҳақида юрак қони билан битган бу ягона китобни муаллиф қандай ёзган бўлса, шундайлигича тўла ҳолда чоп қилиш хайрли иш бўларди.

* * *

Адибнинг кичик ўғли Масъуд Қодирий (1926–1997) отаси халқ орасидан юлиб олинганида 11 ёшда эди, эҳтимол, у ёшлиги боис бўлса керак, таъқибу таҳдидилардан омон қолди, аммо унинг ҳаёти ҳам мустабид тузум замонида катта оила бошига тушган

кўргилик ва аччиқ савдолар гирдобида кечди; акаси ёнида туриб, ноҳақлик қурбони – ота, жафокаш оила шаънини ҳимоя қилиш йўлида кўп жон куйдирди, улар ҳақида туркум хотираларини қоғозга туширди. Бу хотиралари “Утганлар ёди” номи остида вафотидан кейин, 2012 йили китоб ҳолида нашрдан чиқди. Оилавий қодирийшуносликка қўшилган бу муносиб ҳисса хусусида кейинроқ тўхталамиз. Кези келганда айтиб ўтай, Ҳабибулла аканинг қизи Манзума (1961 йили туғилган), Масъуд аканинг қизи Гулмира (1963 йил туғилган) Миллий университетимизнинг филология факультетида таълим олганлар, бу даргоҳдаги илмий-адабий давранинг Қодирийлар хонадони билан алоқаларини боғлашда шу икки қизимизнинг муайян ҳиссаси борлигини эслатиб ўтишни бурчим деб биламан.

* * *

Мўътабар хонадонга мансуб қодирийшунослар, хотиранавислар амалга оширган ва олиб бораётган ишлар билан танишганда, бир ҳолатни албатта назарда тутиш даркор деб биламан. Қодирийнинг бу борада заҳмат чеккан, қалам тебратган икки ўғли касби – ихтисослиги жиҳатидан адабиётшунос эмаслар. Иккинчи томондан, ота ҳақидаги ҳақиқатни тиклаш, меросини халққа қайтариш бобида энг кўп ижодий меҳнат қилиб, бой мерос қолдирган Ҳабибулла Қодирий, гарчи бу борадаги фаолиятини Сталин истибдодидан кейин бошлаган бўлса-да, барибир унинг ҳаёти шўро замонида кечди, мустақиллик даврини кўриш, тўла эркин фикр юритиш унга насиб этмади. Туғилиб, эсини таниганидан кейин салкам йигирма йил давомида отаси билан боғлиқ бевосита кўз олдида кечган воқеа, хотираларни қаламга олганда, замона талотумлари, ўн йиллик қамоқ – сургуннинг даҳшатли манзаралари ўй-хаёлини доимо

таъқиб этиб тургани, ниҳоятда эҳтиёткорлик, минг бир андиша билан қалам тебратгани яққол сезиладди, “Отам ҳақида” “Қодирий замондошлари хотирасида” китобларида, шунингдек, “Фельетон қироли” рисоласида адибнинг ҳаёти, ижодий тақдири билан боғлиқ энг кескин паллалар, драматик фожиавий воқеалар четлаб ўтилади, 1926, 1937–38 йилги ҳибс, тергов-сўроқ, ҳукм ҳақида лом-мим дейилмайди; баҳс-мунозаралар устида гап борганида, Қодирийни мумкин қадар “шўро позицияси”га тортишга интилади. Кўпни кўрган, тузум жаҳаннами гирдобидан омон чиққанига шукрона келтирган зиёли инсон шу тариқа ўзига хос мураса йўлини танлайди, шундай қилмаса, ўзи ёзган ва ўзгалар оғзидан ёзиб олиб, нашрга тайёрлаган хотиралари китоб ҳолида чиқиши асло мумкин эмаслигини сезади, билади. Шу тариқа ўшандай мураса йўлидан боришга мажбур бўлади.

Бу жабрдийда зот умри поёнида фарзандлари олдида очилиб, маъюслик билан бундай деган эканлар: “Мен кўрқиб яшадим. Хўрликларга чидадим. Агар шундай қилмасам, улар ёзганларимни чиқармас эдилар. Натижада халқ буванг ҳақидаги маълумотлардан бебаҳра қолар эди” (“37-хонадон”, 173-бет). Шу нозик масалага оид яна бир муҳим ҳужжат мавжуд. Юқорида айтилганидек, Ҳабибулла ака отаси ҳақида ўзи хотиралар ёзиш билан баробар у зотга замондош бўлган атоқли ёзувчилар, шоирлар, олимлар ва бошқаларининг кўплаб ёдномаларини йиғади, “Абдулла Қодирий ҳақида замондошлари” номи остида тўплам тайёрлагач, 1975 йил 7 февраль санаси билан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт директори номига ариза ёзиб, уни ўша йилги нашр режасига кириштишни сўрайди. Нима учундир бу тайёр қўлёзма ўн йилдан кўпроқ вақт ўтиб, 1986 йили чоп этилади. Устига-устак, 12 босма табоқ деб кўрсатилган ки-

тоб аслида 9 босма табоқ ҳолида, қолаверса, деярли учдан бир қисми Ҳабибулла Қодирий қаламига тегишли янги битилган хотира ва воқеий ҳикоялардан иборат бўлиб нашрдан чиқади.

Очиқ-ойдин кўриниб турибдики, замондошларининг улуғ адиб ҳақидаги хотиралари минг бир чиғириқдан ўтказилиб, жиддий саралаш, таҳрир, қисқартиришлар билан силлиқланиб, пардозланиб, замон мафқурасига мослаштирилиб чиқарилган. Номатбул деб топилган муаллифлар қаламига мансуб ёхуд шўро мафқурасига ёт саналган воқеа-ҳодисалар эсга олинган хотиралар тушириб қолдирилган. Биргина мисол. “Хотиралар” кўлөзмасида машҳур уламо Зиёвуддин Эшон Бобоҳон битган “Зубдатул кутуб” сарлавҳали қизиқарли хотира бўлган. Унда Қодирий билан бир руҳоний олим орасида Қуръони каримнинг бир ояти хусусида кечган баҳс устида гап боради. Баҳс чоғи адибнинг бу нозик масалада қанчалар назокат ва андиша билан мулоҳаза юритгани аён бўлади. Ана шундай ноёб ҳужжат китобга кирмай қолган.

“Ошкоралик” деб аталган 80-йиллар охири, истиқлол арафасига келиб вазият ўзгара бошлади. Бундан руҳланган Ҳабибулла ака аввал нашр этилган хотиралар китобларидан тубдан фарқ қилувчи ҳам шафқатсиз хотиралар, ҳам ўз бошидан ўтган аянчли кечинмалар, ҳам аниқ фактлар – архив ҳужжатларига асосланган ҳолда, “Қодирийнинг сўнги кунлари” хотира-қиссаси устида иш бошлайди. Кексалик, боз устига бедаво дард билан олишув асносида фарзандлари, айниқса, Хондамир кўмагида бошдан-оёқ мардона руҳдаги асарни ниҳоясига етказишга эришади. Хотира-қисса сўзбошисида муаллиф бундай ёзади: “Отам ҳақидаги хотира китобимнинг биринчи нашри 1974 йилда, иккинчи, тўлдирилган нашри эса 1983 йилда босилиб чиқди.

Хотираларни ёзаётганимда кўпдан-кўп қизиқарли кўрган-кечирган, билган воқеаларим ёдимга тушса ҳам, уларни у ёки бу сабаблар билан асарга киритиш мумкин бўлмас, ҳатто битта-яримта киритганларимни ҳам “бу мумкин эмас, сиёсатга тўғри келмайди”, деб муҳаррирлар тушириб қолдиришар эди.

Ниҳоят, сиёсат ўзгарди, Сталин ҳокимияти патонат топди, ошкоралик, адолатни, ҳақиқатни очиқ айтадиган кунлар келди. Дўстлар “Энди бу ёғини ҳам ёзинг”, дея бошладилар.

Бу ёзганларим, албатта, илгариги хотира китобларимдаги маълумотлардан тамоман ўзгача ва тегишли ҳужжатларга асосланади. Бундай муҳим ва машаққатталаб ҳужжатларни архивлардан излаб топишда менга ўғлим Хондамир ҳам катта ёрдам берди” (“Ёшлик”, 1989 йил, 4-сон, 41-бет).

Муаллиф вафотидан сўнг хотира-қисса тўла-тўқис эълон қилинган “Ёшлик” журналининг ўша йилги 4–7-сонлари қўлма-қўл ўқилди, журналхонлардан у ҳақида таҳририятга мактублар ёғилиб кела бошлади, турли давраларда баҳс-мунозаралар қизиди, улар матбуот саҳифасига ҳам кўчди. Журнал таҳририяти таклифига биноан, йўлланган мактублар, матбуотда чиққан баҳс-мунозаралар билан танишиб, “Фигон” деган сарлавҳа остида каттагина мақола ёздим; бунга мен ҳар жиҳатдан тайёр эдим, чунки Дўрмондаги ижод уйида Ҳабибулла ака билан қўшни хонада бир ойча бирга туриб, ўзаро гурунглашиб, хотира-қиссанинг туғилиш жараёнидан хабардор бўлганман. Боз устига, Ёзувчилар уюшмасининг 30-йиллардаги фаолиятига ҳамда Қодирий ҳаётига дахлдор Давлат архиви ҳужжатлари билан ҳам таниш эдим. Мақола “Ёшлик”нинг 1990 йил 6-сонида бирор жумласи ҳам ўзгармай тўлиғича эълон этилди. Уша пайтга қадар матбуотда чиққан

ҳеч қайси мақолам ўқувчилар орасида бу қадар қизиқиш уйғотмаган эди. Мақола кейинчалик “Қодирий боғи”, “Қодирий мўъжизаси” китобларимга ҳам ўзгаришсиз киритилди. Мен бу ўринда “Фигон”да тўкиб солинган дил изҳорлари, таҳлил ва талқинларимни такрорлаб ўтирмай, гарчи муаллифнинг ўзи кўнгли тўлмаган бўлса-да, аввалги хотиралардаги бир қатор қимматли, муҳим жиҳатларга сиз, азиз ўқувчилар эътиборини жалб этиш билан чекланаман. Уларда буюк адиб сиймоси, шахсияти, чин эътиқоди, қолаверса, ижодий муҳити, адабий мероси, шоҳ асарларининг яратилиш, дунё юзини кўриш жараёни, асарларидаги қатор машҳур персонажларнинг прототипларига оид қимматли маълумотлар бор.

“Отам ҳақида” чиққунига қадар Қодирийнинг ҳаёт йўли ҳақида унинг 1926 йил 15 июнда ёзилиб, 1969 йили чоп этилган “Кичик асарлар”идан жой олган “Таржимаи ҳол”идан бошқа бирор ишончли ҳужжат йўқ эди. “Отам ҳақида” китобида муаллиф ўша таржимаи ҳолда келтирилган ҳужжат-маълумотларга аниқлик киритиб, уларни кўплаб янгиликлар билан тўлдиради. “Таржимаи ҳол” ёзилган санадан кейинги воқеа-ҳодисалар шарҳини давом эттиради; адибнинг отаси Қодир бобо, у кишининг отаси Ҳожимуҳаммад, унинг оға ва синглиси, Қодир бобо туғилиб вояга етган маскан – Эскижўва маҳалласи, отахоннинг тўрт бор уйланиши тарихи, охири Жосият биби билан кечган воқеалар, Абдулланинг оға-иниси Раҳимберди ва Қудратилла ҳақидаги маълумотлар билан бойитилди; Қодир бобонинг Эскижўва масканини тарк этиб, Бешёғочдаги тўртинчи Эшонгузар маҳалласидан қуруқ ер олиб, иморат қургани, Абдулла айни шу масканда дунёга келгани, уйланиб оилали бўлгани, Ҳабибулланинг ўзи ҳам айни шу хонадонда туғилиб, эсини тани-

ганидан бошлаб кўрган-кечирганлари, улар билан баробар Самарқанд дарвозадаги боғ-ҳовлида Қодирийнинг то 1937 йил 31 декабрда ҳибсга олингунга қадар кечган ҳаёти, ўша кезлардаги адибнинг ўғил тасаввуридаги шахсий-инсоний хислатлари, қизиқиш-майллари, ижод онлари; оилада падари бузруквор, волидаи мухтарамма, оға-ини, қариндошуруғ, қўни-қўшниларга муносабатлар, шунингдек, ижодий муҳит батафсил ёритилади. Бунда Қодирий ўз ҳаёти, ижоди ҳақида ёзиб қолдирган манбалардан ҳамда тўплаган, замондошларидан ёзиб олган хотиралардан ҳам ўрни билан кенг фойдаланади. Абдулланинг болалик, ўсмирлик йиллари, эски мактабда, “рус-тузем мактаби” да, мадрасада ўқиган чоғлари, Расулмуҳаммадбой исмли савдогар қўлида приказчик бўлиб ишлаши, бой қизи Раҳбарбонуга уйланиш тарихи – буларнинг барчаси гувоҳ шахслар хотиралари орқали тикланган.

Қодирийнинг ижодкор сифатида шаклланишида ўша кезлардаги матбуот, нашрлар, шахсий мурожаат, Тошкент ижтимоий-сиёсий ҳамда адабий муҳити, 1913 йилданок қўлига қалам олиб, даврининг пешқадам адиблари – жаҳид адабиёти намояндаларига эргашиб, хабар-мақола, шеър, драма, ҳажвиялар ёзишга чоғланиши, қизғин ижтимоий фаолият жабҳасига кириб бориши, замонасининг пешқадам сиёсатдонлари билан танишуви, қизғин журналистик фаолияти, Москвада Олий адабиёт курсида таълим олиб, фикр доирасининг кенгайиб бориши – шу тариқа замонасининг жаҳоний миқёсларда тафаккур юритадиган етук адиби даражасига кўтарилиш омилларига очқич бўладиган ҳолатлар қаламга олинган. Уша давр Тошкент адабий муҳитининг етук намояндалари – Камий, Мискин, Тавалло, Хислат, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий каби ижод аҳли, шунингдек, “Турон” кутубхонаси

жамоаси, Раҳматулла домла сингари замонасининг зўр руҳоний олими билан мулоқотларига оид маълумотлар бу жиҳатдан ғоят эътиборга молиқдир. Шунга қарамай, яна нималардир, чунончи, ўша даврда Тошкентда яшаб ижод этган энг етук истеъдод соҳиблари Фитрат ва Чўлпондек алломалар билан мулоқотлари муаллиф назаридан четда қолгандек туюлади. Чўлпоннинг 1925 йили нашр этилган “Тонг сирлари” шеърий тўпламига Қодирий ёзган сўзбошининг ўзиёқ кўп нарсадан дарак беради.

Хондамир Қодирий “Отамдан хотира” китобида ёзган “Сўнги сўз”ида отаси Ҳабибулла Қодирий “Отам ҳақида” китобининг иккинчи тўлдирилган нашридан кўнгли тўлмай, асабий вазиятда айтган мана бу гапларини келтиради: «Дадам билан Чўлпон ораларидаги адабий, дўстона муносабатлар ҳақида катта бир мақола ёзиб, китобга киритган эдим. Цензура чиқариб ташлабди. Ҳатто мақоланинг қўлёзмасини ҳам қайтариб беришмади ёки кимдир ўғирладими? Ўғирласа ҳам, у мақолани ўзининг номидан бирон ерда эълон қилиб бўлмайди-ку», деб бир куни эслаб сўзлаб қолдилар дадам. Мақолада айтилишича, дадаларининг, айниқса, Чўлпонга эътибори бўлакча бўлган экан, уни энг комил инсонлардан бири, деб ҳурмат қилган эканлар. “Бир куни Чўлпон келиб, фикр олиш учун “Кеча-кундуз” китобининг машинка қилинган нусхасини дадамга ташлаб кетди. Қўлёзма бир неча кун хонтахта устида турди. Мен у ер-бу еридан ўқиб чиққан эдим...” дедилар дадам. Яна айтишларича, қатағон қилинган Қодирийнинг сафдошлари ҳақида китобда камроқ гапирсалар яхши бўлар эмиш...» (“Отамдан хотира”, 410-бет).

Қаранг, ана шундай сабабларга кўра буюк адибнинг сафдош-маслақдошлари билан мулоқотлари ҳақида Ҳабибулла аканинг ўзи шоҳид бўлган қан-

чадан-қанча ноёб хотира-ходисалар ёзилмай қолган, ёзилганлари эса китобга киритилмай, махв этилган.

Аммо шуларга қарамай, бу алломанинг 1918 йилдаёқ – илк хабар-мақола, шеър, драма, ҳикоялар машқидан сўнг, тўрт-беш йил ўтар-ўтмас, ҳали Москва таълимини олмай туриб, “Ўткан кунлар” дек жаҳон адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам етук роман ёзиш даражасига кўтарилишининг сабаб ва омиллари қодирийшунослигимизда очилмаган кўриқ бўлиб турибди. Назаримизда, сафдошлари каби Қодирий ҳам янгиликларга ниҳоятда чанқоқ бўлган, ўзи айтмоқчи, модомики янги даврга оёқ қўйган экан, шу янги даврнинг “янгиликлари кетидан” астойдил эргашган, форс, араб, рус, туркий тилларни яхши ўзлаштириб, ўша тилларда чиққан замонавий йўналишдаги ҳикоя, қисса, роман, драмаларни, адабий-танқидий асарларни қўлдан қўймай ўқиган; уларнинг сир-асрорини мустақил равишда астойдил тафтиш, таҳлил этиб ўрганган. Биргина мисол. Адиб “Ўткан кунлар” ҳам “Ўткан кунлар” танқиди устида баъзи изоҳлар” мақоласида ўз даврининг “етакчи” мунаққидларидан бири Сотти Хусайн адибнинг ушбу романи ҳақида танқидий асар ёзмоқчи бўлганида, уни ҳар жиҳатдан рағбатлантирган, керакли маълумотлар бериб, ўзини бундай катта ишга ҳаваслантирган Миср фузалоси устоз Жўржи Зайдоннинг романи ва ғайри асарлари билан танишиб чиқишни тавсия қилган... Қаранг-а, ўзини замонасининг “етук ижодий зиёлиси” деб санаган мунаққид ёзувчи ўқиган, билган, ўрганган жаҳонга машҳур асарлардан беҳабар бўлган!.. Шу ҳолда ҳам адабиётимизнинг “Ўткан кунлар” дек ноёб намунаси ҳақида ёзишга, муаллиф шаънига жоҳилларча маломатлар ёғдиришга ўзини “ҳақли” деб билган. Умуман олганда, ёзувчи қаламига мансуб адабий-танқидий мақолалар у 20-йиллардаёқ адабий-танқидий та-

факкур даражаси жиҳатидан замондош адабий зиёлиларнинг олдинги сафида турганлигини тўла тасдиқлайди.

“Отам ҳақида” китобида келтирилган рус адиби А. Толстой, М. Горький, таржимон Л. Соцердотова, рус шарқшунос олимлари Поливанов, Юдахин билан учрашув-мулоқотлари, айниқса, “Қодирийнинг сўнги кунлари” да баён этилган 1938 йили тўрт ой мобайнида Қодирий билан бир камерада ўтирган ТошМИ хирургия кафедраси мудир, озарбайжон миллатига мансуб профессор Содик Алиевич Алиевнинг Ҳабибулла акага айтиб берган мана бу хотира-таърифи Қодирийнинг тафаккур кўлами ҳақида ёрқин тасаввур туғдиради: “Мен отангизнинг асарларини ўқимаганман. Айтишларича, “Ўткан кунлар” йигирманчи йиллардаёқ озарбайжон тилига таржима қилинган экан. Аммо у кишининг қизиқ суҳбатларини тинглаганман. Бир куни завқлари келиб, Шарқ адабиёти ҳақида узоқ сўзлаб бердилар. Мен ҳам Шарқ кишисиман, ўз адабиётимизни яхши билувчилардан саналардим. Бироқ у кишининг Шарқ адабиётини билиши олдида меникини йўқ деса бўлар эди. Қодирий араб, форс, турк тилларини, классик адабиётни тўла ўрганиб чиққан десам, балки, янглишмасман. Қуръон таржимасини, ҳинд фалсафасини шу кишидан эшитдим ва “Шарқ адабиётининг билимдони” деган фикр кўнглимдан кечди.

Яна бир куни Ғарб адабиёти тўғрисида ҳикоя қилдилар. Гегель, Фейербах, Кант, Маркс, Энгельс, Ленин фалсафаларининг асосий мағзини чақиб бердилар. Грек, француз, рус, немис, инглиз, испан, итальян классик адабиётлари ва улардаги турли оқимлар ҳақида сўзладилар. Мен жаҳон адабиётини теран билувчи бу инсонга ичдан офарин ўқидим ва суҳбатларини маҳбусликдаги энг мароқли онларим деб билдим” (“Ёшлик”, 1989 йил, 6-сон, 52-бет).

Бу хусусда ана шу табаррук зиёли одамдан ошириб бирор гап айтиш амри маҳол.

“Қодирийнинг сўнги кунлари” да адибнинг беқиёс истеъдоди эътирофига оид яна мана бундай лавҳа келтирилади:

Қодирий оқлангач, Ёзувчилар уюшмаси қошида ёзувчининг ижодий меросини тўплаш, асарларини босишга тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузилади. Комиссиянинг илк йиғилиши олдидан ҳайъат аъзолари гурунглашиб ўтиради. Шунда комиссия аъзоларидан бўлган Абдулла Қаҳҳор Ҳабибулла акага қарата шундай савол ташлайди:

“ – Дадангиз “Ўтган кунлар” ни неча ёшда ёзганлар?

Йигирма етти–йигирма саккиз ёшларда.

Буни қаранг-а, қандай талант, – деди Абдулла Қаҳҳор ажабланиб, – биз шу ёшга кириб ҳали шунга ўхшаш бирор асар ёза олмабмиз...” (“Ёшлик”, 1989 йил, 7-сон, 52-бет).

Адибнинг тарихий романлари – “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён”нинг дунёга келишида бевосита ҳар икки асарда юз берган тарихий воқеа-ҳодисалар шоҳиди, иштирокчиси бўлган ота – Қодир бободан бот-бот эшитган хотира-ҳикоялар нақадар муҳим аҳамият касб этгани адабий жамоатчиликка маълум. Муаллифнинг ўзи ҳар икки асарда йўл-йўлакай бу хусусда эслатиб ўтган эътирофлар билан баробар ота ҳақидаги “Отам ҳам большевик” деб номланган юмористик воқеий ҳикоясида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. “Отам ҳақида” муаллифи эса ана шу муҳитда эшитганларини, айтишга оила шароитида фақат адибнинг тарихий романларигина эмас, бошқа асарлари, айниқса, “Обид кетмон”нинг яратилиш жараёни, улардаги персонажлар прототиплари хусусида бевосита ўзи шоҳид бўлган воқеа-хотира, кузатишлар

рини баён этадики, булар ҳам қодирийшунослик учун бебаҳо ҳужжатлардир.

Қизик, Қодирий “Ўткан кунлар”ни ёзиш учун материал йиғиб, китоблар кўриб, ҳар хил режалар тузиб хаёлот оламида юрган кезлари хонадонига отаси Қодир бобонинг эски қадрдони – таниш қария меҳмон бўлиб келади, адиб отаси ва унинг дўсти гурунгида иштирок этиб, бир воқеадан хабардор бўлади: меҳмон бир вақтлар, ёшлик чоғида савдо ишлари билан Андижонга бориб, у ерда уйланган, бола-чақали бўлган экан... Шу воқеа туртки бўлиб, ёзувчи ўй-хаёлида юрган романнинг сюжет чизиғи туғилади (“Отам ҳақида”, 64–65-бетлар). “Ўткан кунлар” асло ўша қариянинг оилавий тарихи эмас, буни муаллифнинг ўзи ҳам, шу ҳақдаги хотираларни келтирган китоб муаллифи ҳам яхши билади. Лекин бутун бошли асар сюжетининг туғилишида шу хилдаги арзимас воқеа ҳам туртки – очқич бўлиши мумкин экан.

Роман персонажлари прототиплари хусусида муаллифнинг Ҳабибулла ака келтирган эътирофларини эслайлик. Бир гал адиб: «Ўзбек ойим – бу Жосият бибинг, Офтоб ойим – Хоним бибинг, Кумуш эса – Ойкумуш опанг”, деб кулганларини хотирлайман», деб ёзади хотира китоби муаллифи (“Отам ҳақида”, 96-бет). “Хоним бибим – ойимнинг онаси”, Кумуш – Ойкумуш опасини (аниқроғи, Раҳимбердининг 19 ёшида бевақт дунёдан ўтиб кетган аломат тўнғич қизини), Юсуфбек ҳожи эса адибнинг домласи Алижон исми шахсни эслатишини айтади. Айниқса, Жосият бибининг Ўзбек ойимни эсга соладиган табиати, ҳатти-ҳаракатларига алоҳида урғу беради.

“Жосият бибим, – деб ёзади китоб муаллифи, – думбул табиатли, гапдон, шахтсўз, бир уй хотинни ўз оғзига қаратиб ўтирувчи, унча-мунчани писанд қилмовчи, оми бўлса ҳам, доноликда ҳатто дадам-

дан ўзини юқори тутувчи, қизиқ феълли аёл эдилар. У баъзи қайноналардек келинларини ўз панжасида тутмас, ҳаммаларини ўз ихтиёрига қўйган, ғийбат ва оила икир-чикирларига аралашмас, агар эр-хотин ўртасида келишмовчилик рўй берса, фақат келинлари ёнини олар, “хотинга золимлик қилма!” деб ўғилларини койир ва шунга яраша келинлар, қўшнилар, қариндош-уруғлар тарафидан “Жосият она” деб иззат-ҳурмат кўрган табаррук она эдилар”. Муаллиф Жосият онанинг айна Ўзбек оймига ўхшаш бир жиҳатига урғу бериб, ёзади:

“Бибим ҳамма тўйларга ҳам “кавшим кўчада қолган эмас”, деб боравермас, борсалар ҳам тўй албатта у кишининг раъйига қараб жўнаштириллар эди” (“Отам ҳақида”, 97-бет).

Яқинларидан – таниш шахслардан роман персонажларига кўчиб ўтган хислатлар уларнинг нақадар ҳаётий, жозибадор чиқишида қанчалар муҳим роль ўйнаган-а... Бевосита адибнинг ўзидан асарларидаги персонажларига юққан хислатлар ҳақида хотира китобда келтирилган маълумотлар мароқли. 1933–34 йиллари “Ўткан кунлар”ни кино қилмоқчи бўладилар. Шунда Қодирий “артист бўлганимда эди, Отабек ролини ўзим ўйнардим... Негаки, Отабек характерини мендан яхши билувчи йўқ...” деган экан (“Отам ҳақида”, 113-бет).

Аёнки, шу гапни “Меҳробдан чаён”даги Анвар ва Раънога, “Обид кетмон”нинг бош қаҳрамонига нисбатан ҳам айтавериш мумкин.

Ўз даврида жоҳил танқид Анварнинг Солиҳ маҳдумдек “риёчи, виждонсиз, хоин, хасис, аҳмоқ, лақма қўлида ва тарбиясида” “ақлли, виждонли, ҳалол бир киши бўлиб етишуви” ҳақиқатга хилоф деб санайди; “чилласи чироқ кўрмаган” Анвар билан Раъно орасидаги севги муносабатларининг туғилиши, “оила ичида баробар кўришиб, ўйнашиб, ёлғуз ерларда

баробар қолиб” юришлари, “қиз билан йигитнинг бирлашишларига оилада ҳеч бир қаршулиқ”нинг йўқлиги мунаққидни ажаблантиради. Шунингдек, Анварнинг ўрдада мансабдор рақиблар, ҳатто Худоёрхон билан мардона олишувлари ҳам унда жиддий эътироз туғдиради.

Эҳтимол, 30-йиллар шароитида бу хил даъволарга ишонувчилар бўлгандир, ёзувчининг ҳаётини, ижодий тажрибасидан беҳабар кимсалар учун бу улар ҳақиқат бўлиб туюлгандир. Ҳабибулла аканинг “Отам ҳақида” хотира китобидаги адиб ҳаётига, айниқса, ўспиринлик, ёшлик кезларига оид маълумотлар, сўнг Қодирий устидан 1926 йили бўлиб ўтган тергов, суд жараёни ҳужжатлари эълон этилгач, фақат улкан адиб ҳаётининг қатор ўқилмаган саҳифалари эмас, айрим асарлари, жумладан, “Меҳробдан чаён”нинг ҳаётини манбалари, роман сюжети, персонаж-қаҳрамонлар тимсолига муаллиф таржимаи ҳолидан, шахсиятидан кўчиб ўтган қатор ноёб жиҳатлар аён бўлди. Чунончи, ҳам эски усулдаги мактабни, ҳам рус-тузем мактабини тугатган фақир, қўли қисқа оила фарзанди Абдулланинг Расулмуҳаммадбой отлиқ бадавлат одам хонадонига приказчик – хизматчи бўлиб ишга кириши, шу хонадоннинг бир аъзоси сифатида бир неча йил мазкур даргоҳда эмин-эркин яшаши, хонадон эгаларига ёқиб қолиб, унинг бўй етган қизларига куёв бўлишига изн беришлари, шу тариқа бадавлат хонадоннинг тўнғич қизи Раҳбарбонуга уйланиш тарихи орадан ўн-ўн икки йил ўтиб дунё юзига кўрган “Меҳробдан чаён”даги Анвар – Раъно севги қиссаси учун ҳамиртуруш бўлганини ким инкор эта олади?!

Асар қаҳрамони Анварнинг тубан, ғаламис кимсалар уюштирган фитна сабаб вазифасидан четлаштирилиб, ҳибсга олиниб, ҳаёти қил устида тур-

ган кезлари рақиблар, ҳатто Худоёрхон билан юзма-юз тўқнашуви, охир-оқибат бу фитна тузоғидан эсон-омон чиқиб кетиши роман устида иш бошланишидан атиги бир йил бурун, 1926 йили Қодирий қисматидаги ҳибс, тергов суд жараёнини, адибнинг судда сўзлаган оташин нутқини ёдга туширади.

Шуниси ҳам борки, “Меҳробдан чаён” автобиографик роман эмас, асарда ўзга давр, ўзга макон, ўзга одамлар, ўзгача тақдир, саргузаштлар; лекин уларда қандайдир даража, кўринишда ёзувчи ҳаёти, қисмати, шахсиятидан кўчиб ўтган жиҳатлар мавжудлигини асло инкор этиб бўлмайди.

Адабиётшунослиқда “биографик метод”, психобиографик тадқиқ усули бор. Қодирийнинг ижодий мероси ана шундай усул асосида келгусида яратилажак фундаментал тадқиқотлар учун беқиёс имкониятлар бериши шубҳасиз.

Ҳабибулла Қодирий Ойбекнинг “Абдулла акам гул шайдоси эди” деган сўзларини келтириб, исботи сифатида мана буларни ёзади: “Дарҳақиқат, Қодирий гулни ниҳоятда севар, гул шайдоси эдилар. Эрта кўклардан бошлаб у кишининг биринчи “ташвиш”лари шийпонимиз олдидаги ярим танобдан мўл ерни чопиб, гулзор тартиб бериш, бозордан ва кимсалар уйдан гул кўчатлари келтириб экиш, суғориш, ўтоқ ва чопиқ қилиш бўлар эди. Бу ишларни у киши ҳеч кимга “ишонмас”, ҳаммасини ўзлари бажарар эдилар. Гуллар ўсиб, очилган чоқларда кўчадан боғимизга кирилса, димоқларга гуп этиб гул ҳидлари урилар, гулзорда ранг-баранг капалаклар учиб юрар эди” (“Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида”, 127-бет).

Сўнг Ҳабибулла ака ана шу гулзор манзараси ва Қодирийнинг бу борадаги ташвишлари “Меҳробдан чаён” романи ва унинг қаҳрамонига қай тарзда “кўчиб ўтгани”га бундай мисол келтиради:

“Анварнинг бола чоғиданоқ энг яхши кўрган нарсаси гулзор ва ундаги гуллар эди. У маҳдумнинг оиласига келиб тура бошлаганидан сўнг, боғчанинг гулзор қисмини ўз идораси остига олди. Гулларни суғориш, ўтларини юлиб, тозалаш вазифаларини ўзи бажарди... Болаларнинг дараги билан ҳар кимнинг уйида бўлган янги нав гуллардан кўчат ва уруғ олиб, йилдан-йилга гулзорни бойитди...” (*Ўша манба, 127-бет*).

Муаллиф “Обид кетмон” қиссаси бош қаҳрамонининг фавқулодда бир жасорат билан тепаликни бузиб, ер очиш, шу ерда экин экиб, мўл ҳосил етиштириш, сархил кўчатлар ўтқизиш, аломат боғга айлантириш жараёнининг тасвири айни адиб Самарқанд дарвозадаги боғ-ҳовлисида амалга оширган ишларга ўхшаб кетишини қиёсий далиллар орқали кўрсатади. Бунинг тасдиғи учун у Қодирийни яқиндан билган улкан адиб Ойбекнинг хотираларини ҳам эслатиб ўтади. Абдулла Қодирий “ақлий меҳнат кишиларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнатга ўч киши эди”, деган эди Ойбек. “...Ўзи ҳам худди деҳқонлардай тиним билмасдан қаттиқ меҳнат қилар эди. У Самарқанд дарвоза яқинида турар, каттагина боғи бўлиб, унда шафтоли, олма, тоғолчаларнинг кўп нави бор, уларни ўзи парвариш қиларди” (*Ўша манба, 3–4-бетлар*).

Ниҳоят, адиб шахсияти, табиатига хос диний эътиқод ва унинг амали бобидаги кўпгина хислат ва хатти-ҳаракатлар Обид кетмон сиймосига шундоққина кўчиб ўтгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Хотираларда ёзувчининг ўз асарлари, хусусан, “Ўткан кунлар” устида қайта ишлаш, таҳрир, ўзгартиришлар киритишга оид қизиқ маълумотлар мавжуд. Чунончи, Ҳабибулла ака “Она, дадам нега йиғаяптилар?” сарлавҳали хотирасида (*Ўша манба, 133–138-бетлар*) муаллиф “Ўткан кунлар” қаҳрамони

Кумушнинг ўлими тасвирини йиғлаб ўтирган ҳолда ёзгани, бунга оила аъзолари қатори 7–8 ёшли Ҳабибулла ҳам гувоҳ бўлгани ҳақида ёзади. Бу воқеа асар китоб ҳолида чиқа бошлаган 1925–26 йилларга тўғри келади. Маълумки, роман 1920 йил декабрида ёзиб тугатилган. У китоб ҳолида чиққунга қадар талай таҳрир, ўзгартиришларга дуч келган. Чунончи, Ғайратий ўз хотирасида шундай бир ўзгартириш хусусида ёзади: “...идорадаги баъзилар Кумуш қабрига битилган шеър ҳақида Абдулла акамга эътироз билдиришди. Абдулла акам олдинги вариантыда қабр тошига Фузулийдан бир байтни кўчирган эканлар:

*Ҳамроҳим эдинг бу йўлда, эй моҳ,
Ҳамроҳни ташлаб кетарми ҳамроҳ...*

Улар бу байтни ўзгартиришни, ўз асарларига ўз шеърлари бўлса яхши жаранглашини маслаҳат беришди. Маслаҳат Абдулла акамга маъқул тушди шекилли, кўп кун ўтмай:

*Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лоззоридин аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг, –*

шеърини ёзиб келдилар” (Ўша манба, 15–16-бетлар).

Айни шу лавҳани Ҳабибулла ака “Отам ҳақида” китобида ҳам келтириб ўтади (102-бет).

Эҳтимол, айни шу сингари “қайта ёзиш” жараёнида Ҳабибулла ака шоҳид бўлган ҳодиса-ҳолат юз бергандир. Бундай маълумотлар чиндан ҳам синчиклаб ўрганишга арзийди.

“Меҳробдан чаён” романида муаллиф келтирган тарихий воқеа ҳамда шахсларга оид маълумот ва изоҳларга таяниб Ҳабибулла ака олиб борган суриштирувлар, хусусан, адиб ёзишни ният қилган “Амир Умархоннинг канизи”, “Намоз ўғри” роман-

ларига оид ўзига хос суриштирув тадқиқотлари ҳам эътиборга сазовор. Улар ўз вақтида амалга оширилган беқиёс савоб ишдир. “Отам ҳақида” китобининг муаллифи бугун орамизда йўқ, унинг V бобида юқорида эслатилган асарлар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга оид маълумотларни берган шахслар ҳам аллақачон оламдан ўтиб кетган. Энди бу маълумотларни биз, кейинги авлодлар, буюк адиб мухлислари фақат ва фақат садоқатли ўғлон Ҳабибулла ака ёзиб қолдирган ўша хотира-маълумотлар орқалигина биламиз. Бундан ҳам муҳими, Қодирийнинг шахсияти, оилавий, ижодий муҳити, 20-йиллар бошларидан тортиб то у ҳибсга олинган 1937 йил 31 декабрга қадар салкам йигирма йиллик энг қизғин ижодий, ижтимоий фаолиятига бевосита жонли гувоҳ – Ҳабибулла аканинг борлиги, вужудида отасидан ўтган ёзувчилик иқтидорининг мавжудлиги, бошига тушган таҳдиду таъқиб, қийноқ-сурғунлардан омон чиқиб, қирқ йиллик умрини асосан ота шаънини, ижодий меросини тўлиғича халққа етказиш ишига бахш этиши, у ҳақдаги энг ишончли, ноёб хотираларни ёзиб қолдириши миллат, миллий адабиётимиз учун Аллоҳнинг беназир эҳсонидир.

* * *

Ниҳоят, юқорида ваъда қилинганидек, Масъуд аканинг хотира китоби устида ҳам озгина тўхталиб ўтсам. Шеркон Қодирий тўплаб нашрга тайёрлаган 45 та хотира-лавҳадан ташкил топган, таниқли адиб Тоҳир Малик сўзбошиси билан ва унинг муҳаррирлигида чоп этилган бу мажмуа кўп жihatдан Ҳабибулла Қодирий эсдаликларига ҳам оҳанг. Падари бузруквори халқ орасидан юлиб олинганда Масъуджон ёш ўспирин эди. Шунинг учунми, акаси ҳаётлиги чоғида отасига оид кўрган-билганларини гапиришга, ёзишга ийманарди;

90-йилларга қадар икки-уч хотира-мақолани ҳисобга олмаганда, бу борада унчалик фаоллик ҳам кўрсатган эмас. Ака вафотидан кейингина одамлар, қодирийшуносларнинг бетиним сўрови туфайли у бунга ўзида эҳтиёж сизди, минбарларда, матбуотда кўрина бошлади. Бу борада ака тажрибаси унга қўл келди, унинг хотираларига қайта-қайта мурожаат қилиб, пухта ўрганиб, уларга кирмай қолган, болаликда ўзи шоҳид бўлган воқеа-хотиралар кўз олдида қайта жонланиб, қоғозга туша бошлади. Шундан бўлса керак, “Ўтганлар ёди” да болакай Масъуджоннинг оила муҳити ва болаликка оид содда-самимий мулоқотлар ифодаси кенгроқ ўрин тутган.

“Ўтганлар ёди”нинг яна бир жиҳати шундаки, ундаги аксар хотиралар ўтган асрнинг 90-йилларида, мустақиллик шароитида битилган. Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” китоби 70-йилларнинг ўрталарида, иккинчи китоби 80-йилларнинг бошларида чиққани, у пайтлари адиб ҳақида ҳамма гапни айтиш, ёзиш мумкин бўлмагани учун бу улусий сиймонинг чин маслаги, имон-эътиқоди, давр ижтимоий-сиёсий ҳодисаларига муносабати деярли четлаб ўтилган, гоҳо улар устида сўз кетганида ғоят эҳтиёткорлик билан ғира-шира имо-ишоралар қилиш билан чекланилган. 80-йиллар охирида битилган “Қодирийнинг сўнгги кунлари” да бор ҳақиқатни ўз ҳолича ёзишга эришган, афсус, кўксидан йиғилиб юрган дарду дунёсини тўлиғича тўкиб солишга улгурмаган эди. Масъуд ака эса айни шу оғаси қаламининг учидан қолиб кетган ноёб ҳақиқатлардан айримларини қоғозга туширишга муяссар бўлган. Бу жиҳатдан “Тириклардан хабар олиш савоблидир”, “Ҳалоллик менга сўт билан кирган” хотиралавҳалардаги энг ишончли гувоҳ – беғубор болакайнигоҳи орқали келтирилган маълумотлар бениҳоя қимматлидир.

“Дадам беш вақт намозни қанда этмасдилар. Ҳар жума эса маҳалламизнинг юқори қисмидаги Камолон дарвозаси олдидаги масжидга борар эдилар. Уйга келган меҳмонлари намозга туришса, суннатга мувофиқ, дадам имомликка ҳам ўтардилар” (*“Ўтганлар ёди”, 38-бет*).

“Рамазон ойида дадам рўзани бехато тутар эдилар”, дея сўзини давом эттиради хотира муаллифи. У рўза ҳақида сўраганида, дадаси кичкинтой ўғлига эринмай унинг асл моҳиятини батафсил тушунтиради. Ота рўза кунларида ҳам одатларини қанда қилмай, жисмоний иш билан шуғулланиши, китоб мутолаасига берилиши ёки ижод билан машғул бўлиши ҳақида гапириб, ниҳоят, ҳайит маросимини қай тарзда ўтказиши устида тўхталади. «Дадам ҳайит намозини “Хўжа Аламбардор” масжидида ўқир эдилар. Намоз тугагач, дадам атрофидагилар билан “Айёмлар муборак бўлсин”, деб кўришардилар...» (*“Ўтганлар ёди”, 39–40-бетлар*).

Нақадар ҳаётий, самимий манзаралар. Шу келтирилган лавҳаларнинг ўзиёқ бу беназир сиймонинг чин имон-эътиқоди, уни зурриётлари қалби, онгу шуурига ҳам сингдириш тарзи ҳақида тўла таассурот беради. Бу чин эътиқод соҳиби унга умри охирига қадар содиқ қолгани ҳақидаги ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди.

“Ўтганлар ёди” муаллифи китобдаги иккинчи бир муҳим лавҳа – Қодирий ва унинг маслақдошлари даврасида ижтимоий-сиёсий эътиқод баёни билан боғлиқ муҳим масалани ўзгача йўсинда – Қодирий боғ-ҳовлисидаги гурунг қатнашчиси Қудратилла амакиси нигоҳида, унинг ҳикояси тарзида келтиради. Маслак жиҳатидан Абдуллага яқин ва шу лавҳада келтирилган гурунг иштирокчиси бўлган амаки тилдан берилган маълумотлар чин ҳақиқат эканига ўқувчи тўла ишонч ҳосил қилади. Орада бегона йўқ,

чин маслақдошлар – Қодирий, Чўлпон, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий – даврада тортинмай мамлакатдаги вазият, компартия олиб бораётган мунофиқона сиёсат ҳақида дилда борини тўкиб соладилар. Давра иштирокчиларининг нутқлари дил изҳорининг ифодаси сифатида бир оз китобий тусда берилган бўлса-да, асл моҳият очилган.

Биргина мисол. Гурунг поёнида ука Қудратилла билан ака Абдулла орасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади:

“Мен акамдан Ёзувчилар уюшмаси сафидан чиқаришганининг сабабини сўраб:

Балки, бирор душманингиз кўролмаслик орқасида қилгандир? – дедим. Абдулла акам:

Саволинг ўринли, назаримда, зўравонлик сиёсатини йигирманчи йилда бошлашган, ҳозиргиси ўшанинг оқоваси. Буни 1926 йили бошимдан ўтказдим. Менинг душманим – ўзимнинг ҳақиқатпарастлигим, ёлғончи, сафсатабоз, буқаламун табиатли инсонларни ёқтирмаслигимдир. Ҳойнаҳой, гапларим шундай табиатли биронтасининг кўнглини зада қилгандир. Лекин фалончилар менинг душманим деб, сенга олдиндан сўзлашга Худодан кўрқаман. Уюшмадаги кейинги мажлисда англаб етдимки, халққа зиё тарқатиши лозим бўлган адибларимиз ўзлари билибми-билмайми, юқори идоралардан олган кўрсатмаларига оғишмай амал қилиб, бир-бирларига тухмат ўқларини санчиб, “зиёли” деган шарафли номларини “зиёнли” деган шармандали номга алмаштириб қўйдилар. Мени ачинтириб, юрагимни эзадигани шуки, тухмат ўқлари ўз миллати фаровонлигига жонини тиккан энг сара зиёлларимиз кўксига бехато урилмоқда. Ҳақиқатни башорат қилган ақли расо бобокалонларимиз: “Ҳақ йўлида ё жонни қурбон қилиш, ёки истибдодга кўниб, тақдирга тан бериш, ёхуд тарки дунё қилиб, ғариблик

жандасини кийиб, Ватандан бош олиб кетмоқ керак”, деганлар. Мана шу уч йўлдан қай бирини танлаган бўлур эдинг?

Ҳақ йўлида жонни қурбон қилиш! – дедим мен (*Таъкид бизники. – У.Н.*).

Ҳа, балли, иним. Аканг ҳам ўзга йўлни танламайди, – дедилар (*“Ўтганлар ёди”, 116–117-бетлар*).

Ана сизга, азиз китобхон, бу беназир истеъдод соҳибининг диний-илоҳий, ҳаётий, ижтимоий-сиёсий маслак-эътиқодининг яна бир тасдиғи. Уларда адиб сиймоси ярқ этиб кўриниб турибди. Бу борада бундан ортиқ бирор сўз айтиш мушкул...

2013 йил, сентябрь–декабрь.

ҚОДИРИЙНИНГ СЎНГГИ ИЛТИЖОСИ

(Адиб ҳаётининг ўқилмаган саҳифалари)

Улкан сўз санъаткори Абдулла Қодирий 1937 йил 31 декабрда ҳибсга олинганидан сўнг то 1956 йилга қадар салкам йигирма йил давомида бу буюк зотнинг табаррук номини тилга олиш имкони бўлмади. Фақат ўзи эмас, асарлари ҳам қатағон қаҳрига учраб, ижодий мероси, қисмати ҳақидаги бор ҳақиқат сир сақланди. Мустабид ҳукмдор вафотидан сўнг, айниқса, эллик олтинчи йили унинг мудҳиш кирдикорлари ошкор этилгач, кўплаб қатағон қурбонлари қатори Қодирий шаънини қайта тиклаш, ижодий меросини халққа қайтариш, унинг фожиавий қисматига оид чин ҳақиқатни юзага чиқариш ҳаракати бошланди. Бу қутлуғ ишда ҳақиқатпарвар, қалби пок, фидойи давлат арбоблари, адиблар, журналист, адабиётшунос-олимлар қатори ёзувчининг садоқатли ўғлонлари – Ҳабибулла билан Масъуд Қодирийнинг хизматлари беқиёсдир. Ҳар иккалови ҳам сўнггина фасига қадар оташаънини ўрнига қўйиш фикри-ёди билан яшаб ўтдилар. Ҳ. Қодирийнинг ҳаётлигида икки бор чоп этилган “Отам ҳақида” деб номланган хотиралар китоби, умри сўнгида ёзилиб, вафотидан сўнг “Ёшлик” журналида эълон этилган “Қодирийнинг сўнгги кунлари” ҳужжатли хотира-қиссаси, Масъуд Абдуллаевнинг бир қатор хотиралари қодирийшуносликнинг бебаҳо ҳужжатлари бўлиб қолди. Улар ёнига адабиётшунос олимларимизнинг, фидойи публицист, ёзувчиларимизнинг улуг адиб қисматига оид мақола, эссе, тадқиқот, рисолаларини ҳам қўшадиган бўлсак, бу борада кўп хайрли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Истиқлол йилларига келиб, қодирийшунослик кў-

лами янада кенгайди, теранлашди, адиб ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш учун кенг йўл очилди.

Шунга қарамай, афсус, ҳанузга қадар Қодирий ҳаёти, фаолияти, унинг фожиавий қисмати, хусусан, Москвада Валерий Брюсов номли Адабиёт институтида ўқиган даври, шоҳ асарлари – “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларининг дунёга келиш тарихи, уларга материал йиғиш учун Қўқон ва Марғилонга қилган сафарлари, шунингдек, 1936 йилги Қозон сафари тафсилотлари етарлича ёритилган эмас. Айниқса, аллома умрининг поёни – қаерда, қай тарзда қатл этилгани, табаррук жисми – хоки поки қаерда ором топгани ҳанузгача аниқлангани йўқ. Тўғри, архивда сақланаётган “Абдулла Қодирий иши” да ўлимга маҳкум қилингани тўғрисидаги суд ҳукми 1938 йил 4 октябрда ижро этилгани ҳақида аниқ ҳужжат-маълумот мавжуд. Аммо қатл қаерда, қай тарзда амалга оширилгани хусусида ишончли ҳужжат топилмаган. Куюнчак адабиётшунос-олимлар, жумладан, Собир Мирвалиев бу жумбоқни аниқлаш йўлида кўп саъйи ҳаракат қилди, олимнинг 2004 йили “Фан” нашриётида чоп этилган “Абдулла Қодирий” китобининг “Қатағон фожиалари” бобида (146–156-бетлар) бу изланишлар жараёни батафсил ёритилган. Аммо уларни мутлақ ҳақиқат деб қабул қилиш қийин. Камина ҳам бу борада баъзи уриниш-суриштиришлар қилганман, Ҳабибулла ака, Масъуд ака йиққан маълумотлар билан танишганман. Қайта-қайта ўйлаб, сарҳисоб қилиб қарасам, айни шу жумбоққа оид Масъуд ака сўзлаб берган воқеа, гарчи узил-кесил ҳукм дейиш учун асос бўла олмаса-да, мавжуд маълумотларга, муҳими, Собир Мирвалиев суриштирувлари натижаларига яқинлиги, уларни бир қатор янги тафсилотлар билан тўлдириши жиҳатидан қимматлидир. Хотирамда сақланиб келаётган бу но-

дир тафсилотларни Масъуд ака Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган анжумандаги чиқишида жамоатчилик олдида мухтасар тарзда баён этиб, шу соҳага дахлдор масъул ходимлардан ҳануз мавҳумлигича қолаётган жумбоқни ҳал этиб беришларини илтимос қилган эди... Эртаси куни Масъуд ака билан учрашувда мазкур масалага оид ўзига маълум тафсилотларни қоғозга тушириб, матбуотда эълон этишни маслаҳат берганимда, бунга рози бўлган эди. Аммо натижасини кўрмадим. Улар қоғозга тушганми-йўқми, номаълум. Эҳтимол, бу машъум ҳодисани хатга туширишга юраги дов бермагандир. Бу орада Масъуд ака ҳам оламдан ўтди, унинг ўша анжумандаги нутқини тинглаганлар сафи ҳам тобора камайиб боряпти. Айни ўша нутқ, аниқроғи, Масъуд ака суриштириб билган 1938 йил 4 октябрь тунидаги воқеага шоҳид бўлган Миролим Миркомиллов хотира-ҳикоясини сиз, азиз ўқувчиларга ҳавола қилишни лозим кўрдим.

Ўша ҳодиса шоҳиди – бешикчи уста ҳамда миришкор боғбон бўлган Миролим Миркомиллов Қодирийнинг садоқатли мухлисларидан саналган, бир неча бор адибнинг Самарқанд дарвозадаги боғ-ҳовлисидаги гурунглarda иштирок этиб, унинг суҳбатларини тинглаган. Ўз навбатида, Қодирий ҳам бу одамнинг Бўзсув бўйидаги боғида меҳмон бўлган. Ёзувчи бошига тушган кўргиликларни эшитиб, ич-ичидан ўртаниб юрган кезлари, қарангки, бу садоқатли зот тасодифан адибнинг умрига нуқта қўйган воқеалар шоҳиди бўлиб қолган.

Миролим ота, одатдагидек, ёз ойларини оиласи билан Бўзсув ёнидаги боғида, қиш кунларини эса шаҳар ҳовлисида ўтказарди. 1938 йилнинг эрта кузида оила аъзолари шаҳар ҳовлисига кўчиб ўтган, ҳали мева-чевалар охиригача йиғиб олинмагани учун боғ-ҳовлида танҳо ўзи қолган эди. Тунлари аёз. Бунинг

устига бир ҳафтадирки, боғ ортидаги жарликда содир бўлаётган тунги нотинчликлар унга уйқу бермайди. Ярим тундан бошлаб дам-бадам янграган ўқ овозлари, ўлимга маҳкум этилган шўрликларнинг оҳ-фиғонлари, ингроқлари, гоҳо Калимаи шаҳодат садолари қулоққа чалинади, отахонни безовта қилади. Энг сўнги тун даҳшати ҳаммасидан ошиб тушади. Бора-бора боғ деворига яқинлашиб, тахминан йигирма-ўттиз одим нарида қоронғи тунда содир бўлаётган қотиллик жазаваси поёнида кутилмаган ҳодиса рўй беради. Бирин-кетин қисқа танаффуслар оша янграган ўқ овозлари, инграшлардан сўнг девор ортидан боғбон қулоғига таниш овоз эшитилади: “Мусулмонмисан?” Боғбон бирдан ҳушёр тортади. “Бу ўзимизнинг Қодирий-ку!” дея ичдан овозсиз ҳайқиради. Шу заҳоти отахон орани тўсиб турган паҳса деворга яқинлашиб, девор тирқишидан мўралайди. Тунги ғира-ширада бир-бирига рўпара турган командир билан маҳбус шарпасига кўзи тушади. Бояги саволга жавоб бўлмайди. “Сукут – аломати ризо” нақлига амал қилиб, маҳбус сўзида давом этади: “Командир ўғлон! Фляганг борми?” Яна жимлик. Маҳбус энди ундан илтижо қилади: “Худо ҳаққи, умрим сўнгида сендан биргина илтимосим – флягангни бериб тур. Таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқий. Бор-йўғи беш минут муддат бер...” Сўнги илтижо ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юборадиган оҳангда айтилганидан боғбон ўзини кўярга жой тополмай қолади. Бунинг устига, маҳбуснинг татарча лафзи, айтган сўзлари командирнинг тош юрагини юмшатди, шекилли, маҳбус ўтинчини индамайгина бажо келтиради. Асрга тенг ўша фиғону изтиробларга тўла дақиқалар қандай ўтганини боғбон умрининг охирига қадар эслаб, эзилиб юради. Сўнг яна ўша таниш, аммо бу гал мардона овоз эшитилади: “Отангга раҳмат, командир ўғлон. Мен тайёрман.

Буйруғингни беравер!" У ёғи нима бўлганини отахон билмайди. Бирдан янграган ўқ овози қулоғини қарқилади, ўша сўнги ўқ ўзига теккандай эсидан оғиб, девор ёнига қулаб тушади. Бир пайт ўзига келиб, кўз очиб қараса, тонг ёришиб қолибди. Ҳам тонгги аёздан, ҳам бояги кўргиликлар изтиробидан вужуди титраб, аранг ўрнидан туради. Таҳорат олиб, бомдод намози поёнида Қуръон тиловат қилиб, одатдагидек, бу кеча шаҳид кетганлар ҳақига бахшида этади.

Шундан сўнг Миролим ота девор ошиб, ўзи шохид бўлган тунги ҳодиса жойига боради. Боягина тупроқ тортилган чоҳ чеккасида шаҳидлардан бирининг оёқ учи очик қолганига кўзи тушади. Бу эса сўнги шаҳид – Қодирининг оёғи экани аён. Қотиллар тонг ёришиб қолгани учун сўнги буйруқ ижросидан сўнг ажал чоҳига апил-тапил тупроқ тортиб, жуфтакни ростлаб қолишган. Уста-боғбон дарҳол ортга қайтиб, боғ-ҳовлисида кетмон олиб чиқади, ялпи мозор – чоҳга тупроқ тортиб шиббалайди. Сўнг яқка ўзи жаноза ўқиб, шаҳид кетганлар, жумладан, қадрдон дўсти – буюк аллома Абдулла Қодирий руҳи поки олдидаги мусулмонлик бурчини адо этади.

Кейинчалик архив ҳужжатларидан маълум бўлдики, ўша машъум 4 октябрь тунги Қодирий қатори Чўлпон, Фитрат каби жами 18 нафар ижодий-илмий зиёлилар қатл этилган. Эҳтимол, уларнинг барчаси айна шу Қодирий жисми поки қулаган чоҳга дафн этилгандир, ўша машъум туннинг сўнги қурбони Қодирий бўлгандир, ўқилган жаноза уларга ҳам бахшидадир...

Масъуд ака буларни ўша мудҳиш воқеа шохиди, саксон ёшни қоралаб турган Миролим ота оғзидан ўтган асрнинг 60-йиллари охирида эшитган, камина эса Масъуд акадан эшитганларимни орадан 23 йил ўтиб, айна шу ҳодиса содир бўлган 4 октябрь куни

изтироблар оловида ёниб қоғозга туширдим. Ҳодиса тафсилотлари оғиздан-оғизга ўтиш асносида муайян таҳрир – ўзгаришларга учраши табиий. Масъуд аканинг оламдан ўтганига ҳам 15 йилдан ошяпти. Каминани ҳам боғлаб қўйгани йўқ. Кўзимнинг тиригида қадрдоним Масъуд аканинг армон тўла арзи ҳолини қоғозга тушириб, Қодирий мухлислари ҳукмига ҳавола қилишни бурчим деб билдим. Мабодо Масъуд ака Миролим отадан эшитган ўша машъум кеча ҳақидаги хотираларини вақтида ёзиб қолдирган бўлса-ю, у топилиб эълон этилса, менинг ёзганларим, аҳтимол, ўз кучини йўқотар. Ушбу битикларимда муайян сакталикларга йўл қўйилган бўлса, олдиндан узримни ҳам айтиб қўйишни лозим кўрдим.

Пировардида, ўқувчи эътиборини яна бир муҳим жиҳатга тортиб ўтсам: Миролим ота гувоҳлигида содир бўлган – ҳам отахон қалбини ўртаган, ҳам уни лол қолдирган Қодирийнинг бақо бўсағасида ўзини тутиши, имон-эътиқод бобидаги қатъияти, лўнда, мардона сўзлаш тарзи 1926 йили унинг устидан уюштирилган жинойи иш жараёни, хусусан, “Суддаги нутқ” номи билан аталган машҳур ҳужжат руҳига тўла мос келади. Ўша нутқда шундай жумлалар бор: «Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса “их” дейдирган йигит эмасман... Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмоғон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим танқисроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир».

Ниҳоят, адибнинг катта ўғли Ҳабибулла аканинг “Қодирийнинг сўнги кунлари” хотира-қиссасида келтирилган мана бу факт – қайд ҳам шу ҳақиқатни тасдиқлайди: «Қодирий... номардлардан эмас эдилар. У киши ҳақиқат фидойиси, кўрқоқ, мунофиқлар

душмани, асло ўлимдан кўрқмагувчи олижаноб инсон эдилар. “Мен ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан кўрқмайман, агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман. Фақат ўқ ботган чоғда кишида бир лаҳзалик қийналиш, беҳузурлик бўлади, холос”, дер эдилар баъзан оилавий суҳбатларда мавриди келиб қолганда» (“Ёшлик” журнали, 1989 йил, 7-сон, 53-бет).

Бу беқиёс жасур сиймонинг орадан 12 йил ўтиб рақиблари қаршисида “Мен тайёрман. Буйруғингни беравер!” дея кўксини ўққа тутиб бериши кишида заррача шубҳа туғдирмайди, адиб табиатига хос айни ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

2012 йил, 4 октябрь.

* * *

Азиз китобхон, юқорида Сиз танишган мақолани матбуотга тақдим этишдан олдин кўплаб ҳамкасбларим назаридан ўтказиб, уларнинг маслаҳатларини олган эдим. Мақола “Шарқ юлдузи” да чиққач, у Қодирий мухлислари орасида катта қизиқиш уйғотди, кимлардир уни интернет сайтига киргазган экан, у ҳақида хорижда ҳам акс-садолар бўлди. Шу орада адибнинг кичик ўғли Масъуд Абдуллаевнинг “Ўтганлар ёди” номи остида хотиралар китоби чоп этилди. Китоб менга бир оз кечикиб етиб келди. Уни варақлар эканман, энг аввал “Отамнинг қабри қаерда?” боби мутолаасига киришдим. Уни ўқирканман, афсус, Масъуд ака 1990 йил 12 январда Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган анжуман минбарида туриб айтган, сўнг ўзаро суҳбат чоғи менга батафсил сўзлаб берган ўша ҳодиса тафсилотларига кўзим тушмади.

Шунда кейинроқ, Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб Киночилар уйида ўтказилган

анжуман очилиши олдида орамизда кечган суҳбат асносида Қодирийнинг сўнги куни ҳақидаги хотирани қоғозга туширдингизми, деган саволимга у киши берган жавоб ёдимга тушди. “Ҳануз бирор тўхтама келолганим йўқ, – деган эди Масъуд ака ўшанда, – бу мудҳиш ҳодисага ўзини гувоҳ санаган ўн нафар одам ўн хил гап айтади, қай бири ҳақ, аниқлолмайсан, киши... Ўша кезлари бир собиқ чекист ходим: “Отангизни шериклари билан кўмита биноси подвалида отиб, сўнг жасадини машинада Черняевка томонга олиб бориб кўмган бўлишлари ҳам мумкин”, деди. Ҳатто хонадонимизга келиб, отангиз отилгани йўқ, у киши тирик, лагерда бирга бўлганмиз, дегувчиларнинг кети ҳануз узилгани йўқ...”

Асосли далил-исбот, аниқ ҳужжат бўлмагани учун Ҳабибулла ака хотираларидаги каби “Ўтганлар ёди” муаллифи ҳам бу машъум жумбоқ, ечимини очиқ қолдирган, бу борадаги айрим тахминларни айтиб ўтиш билан чекланган кўринади.

Шундай бўлса-да, Масъуд ака 23 йил бурун сўзлаб берган версия – Миролим ота ҳикоясига негадир ишонгим келаверади. Чунки ундаги тафсилотлар Қодирий муҳити, шахсияти, маслаги, эътиқоди тарзига ҳар жиҳатдан тўла-тўқис мос тушади. Шу боис “Қодирийнинг сўнги илтижоси”ни ушбу рисолага киритишни лозим кўрдим. Чунки амалиётда шундай тажрибалар бор. Чунончи, Қодирийнинг замондоши машҳур рус шоири Сергей Есениннинг сирли ўлими хусусида хилма-хил тахминлар ҳанузгача давом этади; у ҳақдаги турли талқинлар ўқувчиларга тақдим этилаверади. Гарчи Есенин атрофида, аиниқса, умри поёнида ифво, фисқу фасод авж олган бўлса-да, у ҳар ҳолда эркинликда юрган эди, Қодирий тўққиз ойлик ҳибс, терговлар сўнгида, қатъий сир сақланган тергов интиҳосида қатл қилинган, салкам йигирма йил давомида бу мудҳиш жино-

ят сир сақланган. Табиийки, унинг излари ҳам йўқ қилинган. Модомики шундай экан, адибнинг фожиавий қисматига оид ҳар қандай тахмин, хусусан, адиб шахсияти, шаънига мос тушадиган – нисбатан асосли талқин ва таҳлиллар биз учун қадрлидир.

2013 йил, 28 декабрь.

ЧИН ЭЪТИҚОД, БЕНАЗИР ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

(Сухбат)

– Ўзбекнинг толеи кулгани ростдирки, Абдулла Қодирийдек қилқалам адиби бор. Қизил империя замонида жувонмарг қилинган улуг ёзувчининг номи кеч бўлсада оқланди. Китоблари дунё юзини кўрди. Асарлари асосида бадиий фильм, спектакллар яратилди. Юбилейи ўтказилди. Бу йил ҳам адиб таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан анча-мунча хайрли ишлар қилинса, ажаб эмас. Лекин миллат учун жонини фидо қилган адибга бундан-да кўпроқ эътибор беришимиз керак-да, деган ўй кўнгилга ҳеч тинчлик бермайди. Беш-ўн йил аввал пойтахтимиз марказида Абдулла Қодирий номидаги хиёбон очилди. Очилди-ю... негадир гавжумлашиб, обод бўлиб кетмади. Адибнинг чоп этилиши бошлаб қўйилган “Тўла асарлар тўплами” ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди. Ўсиб келаётган ҳозирги авлод Абдулла Қодирий ижоди, умуман, адабиётдан йироқлашиб бораётгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Ёш-ялангдан “Ўткан кунлар”ни сўрасангиз, фақат фильми ё спектаклини кўрган-да, “Отабек Қумушни яхши кўрган; Зайнаб кундошини заҳарлаган”, деган умумий гапдан нарига ўтмайди. Умарали ака, Сиз нима дейсиз, Абдулла Қодирийнинг иззатини жойига қўя оляпмизми? Адиб шахси ва ижодини ўрганиш ҳамда танитишда яна нималарга эътибор қаратишимиз керак?

– “...Ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий кадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир”. Қодирийнинг миллий адабиётимиз, маънавиятимиз ривожини йўлидаги хизматлари ҳақида Президентимизнинг ана шу баҳосидан ошириб бирор гап айтиш мушкул. Отаси Қодир бобонинг ярим ёшини ҳам яшашга улгурмаган, 44 йиллик умрининг яр-

минигина ижтимоий-адабий фаолиятга бахшида этган, ўша қизғин фаолият эса асабни бетиним кемирадиган силсилалар, тортишувлар, таъқиблар, бўҳтонлар, бетиним фитна, жоҳилона тазйиқлар гирдобида кечган, икки бор ҳибс, терговлар, ниҳоят қатл билан интиҳосига етган умр! Қарангки, ана шундай мудҳиш вазиятлар асносида олти салобатли жилдга жо бўладиган асарлар: драма, қисса, ҳикоя, ҳажвиялар, неча юзлаб публицистик, адабий-танқидий мақолалар, таржималар, ниҳоят, замонавий жаҳон адабиётининг дурдоналари билан бўйлаша оладиган “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” дек эпик полотнолар яратиш... Булар ҳақиқатдан ҳам мўъжиза дейишга арзигулик мислсиз ижодий жасорат самарасидир!

Қодирий ҳибсга олинган машъум 1937 йил 31 декабрдан бошлаб оиласи, унинг ҳар бир аъзоси бошига не-не савдолар тушмади дейсиз. Асарларини сақлаш, қўлга олиш, ўқиш, у ҳақида гапириш ман этилди, бу қондани бузган қанчадан-қанча зотларнинг ёстиғи қуритилди; мустабид ҳукмдор вафотидан кейин қисман “эрувгарчилик” даври бошлангач, Қодирий оқланиб, асосий асарларини чоп этишга имкон туғилганидан кейин ҳам у ҳақдаги бор ҳақиқатни айтиш, асарларини асл ҳолида нашр этиш қийин кечди, фақат мамлакат бошига янги раҳбар келгач, истиқлол арафасида, мустақиллик йилларида Қодирий ҳаётининг энг фожиавий дамларига оид архив ҳужжатлари билан танишиш, бу тўғридаги бор ҳақиқатни айтиш, ёзиш учун кенг йўл очилди.

Қодирий ҳақидаги ҳақиқатни тиклашда унинг фарзандлари, айниқса, катта ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг хизматлари беқиёсдир. Отасининг иши баҳонасида таъқибга олиниб, ўн йил қамоқ ва сургун азобларини чеккан бу аломат шифокор зот –

қалам соҳиби “Отам ҳақида”, “Қодирийнинг сўнги кунлари” хотиралар китобини ёзиб қолдирди, “Қодирий замондошлари хотирасида” мажмуасини тўплаб, чоп эттирди, кичик асарларини жамлаб, нашр эттиришда жонбозлик кўрсатди. Муайян кам-қўстларига қарамай, Ойбек, С. Хусайн, М. Бузрукдан бошланган қодирийшунослик ўтган асрнинг 60–80-йилларида И. Султон, М. Қўшжонов, А. Алиев, С. Мирвалев, И. Мирзаев, Ф. Насриддинов, М. Худойқулов, Ш. Турдиев саъйи ҳаракати туфайли янги босқичга кўтарилди. Мустақиллик йилларида эса унинг кўлами янада кенгайди. Бугунги кунда қодирийшунослик тарихи бўйича докторлик диссертацияси ёқлаган синчков олим Баҳодир Каримов адиб ижоди, асарларини янги жиҳатлардан ўрганишда пешқадамлик қиляпти. Адиб романлари латофати, бадий жозибасини очиб беришда О. Ёқубов, П. Қодиров, Т. Малик, Х. Султонов каби адибларимизнинг хизмати катта. Н. Боқийнинг ёзувчи ҳаётидаги энг драматик палла ҳақидаги “Қатлнома” хужжатли қиссаси ҳам эътиборга молик. Қодирий ижодини хорижда ўрганиш кенг кўлам касб эта бошлади. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” асосида бир эмас, бир неча бор сахна ва кино асарлари, видеофильмлар яратилди... Шулар қатори кейинги ярим аср давомида камина ҳам Қодирий ижоди билан мунтазам шуғулланиб келаман, шу мавзуга доир элликка яқин мақолам, учта китобим эълон этилди, сўнги китобим “Қодирий мўъжизаси” хусусида кўп илиқ гаплар айтилди.

Шу ўринда “Ўткан кунлар”нинг ўз даври учун ҳам, бугунги кун учун ҳам ғоят қимматли биргина жиҳати – ижтимоий пафоси устида озгина тўхталиб ўтсам. 2000 йили чоп этилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи” биринчи китобида шавкатли Туркистон ўлкасини чоризм истилосига олиб келган омиллар

сифатида бир иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган халқнинг уч хонликка бўлиниб кетиши, улар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, ҳар бир хонлик ичидаги бошбошдоқлик, ҳокимият учун ўзаро тинимсиз давом этган қонли ички низолар ва урушлар; турли лавозимдаги мансабпарастларнинг зўравонлиги, ўзбошимчалиги, халққа ғайриқонуний солиқлар солиши, хонликларда ўз миллати, халқи ва Ватан истиқболи учун қайғурадиган одамларни бир ғоя, эзгу мақсад йўлида бирлаштира оладиган, халқни орқасидан эргаштира биладиган йўлбошчиларнинг йўқлиги; давлатни бошқарув тизимининг қолоқ-ночорлиги кабилар сабаб қилиб кўрсатилади (“Ўзбекистоннинг янги тарихи”. Т., “Шарқ”, 2000. 51-53-бетлар).

Ҳайрон қоласан киши: шу омилларнинг барчаси мазкур тарих китоби чиқишидан 80 йил муқаддам “Ўткан кунлар” да ўқувчини ларзага соладиган, ўйга толдирадиган юксак бадиий тарзда кашф этилган эди-ку! Қўқон хонлиги билан Тошкент беклиги орасида кечган қонли даҳшатли урушлар, бир элнинг икки уруғи – қипчоқ билан қорачопон орасидаги низо, қирғинлар, кесилган бошлардан тикланган тепа – гумбазлар... Бу мудҳиш манзараларни кўриб ўзингизни кўярга жой тополмайсиз. Ички низолардан келиб чиққан бундай даҳшату ваҳшатлар фақат ўтмишда эмас, яқин кечмишда қўшни республикаларда, қолаверса, Афғону, қатор араб мамлакатларида айнан юз берди, бераётир...

Ана сизга миллий тарихий роман деб билганимиз “Ўткан кунлар”нинг умумбашарий ва умуминсоний, барча даврлар учун сабоқ бўларли ижтимоий-бадиий пафоси!

Шуниси характерлики, ҳақгўй адиб тарих ҳақиқатига содиқ қолган ҳолда, бир умр эл-юрт ғамида юрган донишманд арбоб Юсуфбек ҳожини асло

идеаллаштирмайди, у охир-оқибат мухит талотумларига дош беролмай, давлат ишларидан этак силтаб кетади.

Афсуски, биз ҳануз романнинг ғоят жозибадор оилавий-ишқий йўналишига маҳлиё бўлиб, мана шу умуминсоний, умумбашарий ижтимоий жиҳатларига етарли эътибор бермай келдик. Роман асосида яратилган кино ва сахна асарларида эса бу муҳим жиҳат томошабинни китобдагидек ларзага соладиган даржада кўрсатилмаган. Шу қисқа шарҳ талқиндан ҳам маълум бўляптики, беназир роман муаллифи – бу улуғ зот олдида бизлар ҳамон катта қарздор бўлиб қолаётирмиз. Минг афсус, Қодирий таваллудининг юз йиллиги арафасида бошланган хайрли ташаббус – адибнинг олти жилдлик “Тўла асарлар тўплами”ни тайёрлаш бошланиб, ночоргина, тўла бўлмаган биринчи жилди чиқди-ю, бу иш келган жойида тўхтаб қолди. Биласиз, улкан сўз санъаткорининг ижодий мероси тадқиқи учун, аввало, **ишончли матн** керак, бундай матн эса асарларнинг **мукамал илмий-академик нашри орқали** дунёга келади. Таассуфки, Абдулла Қодирий асарларининг, ҳатто миллий адабиётимизда янги давр бошлаб берган “Ўткан кунлар”нинг ҳам илмий-академик нашри яратилмади. Шу йиллар давомида қайта-қайта чоп этилган қатор асарлари, жумладан, “Ўткан кунлар” романи матнида тоқат қилиш мумкин бўлмаган ўзбошимчаликлар, ҳар хилликлар мавжуд. Биргина мисол. 1992 йили “Ўткан кунлар” 1926 йилги араб алифбосидаги асл нашри асосида чоп этилди. Ҳолбуки, адибнинг бу нашрдан кўнгли тўлмаган. 1933 йили эса роман янги лотин алифбосида босилган. Бу нашрни 26 йилги нусхаси билан солиштирганда, ҳар саҳифада ўнлаб таҳрир, тузатишларга дуч келасиз¹.

¹ Рисоламизга “Ўткан кунлар”нинг 1926 йилги нашрига 1933 йилги нашрида киритилган таҳрир, ўзгартишлардан намуна илова қилиняпти.

Камина шогирдим Дилмурод Куронов билан шундай ишга қўл урганимизда, роман бошланишидаги икки саҳифада элликка яқин таҳрир-тузатишларга дуч келган эдик. Бугина эмас, ҳатто асар матнининг структурасига ҳам жиддий тузатиш киритилган. Одатда, улкан адиблар асарининг кейинги нашрлари учун муаллиф ҳаётлигида унинг нигоҳидан ўтган энг охириги вариант – нусха асос қилиб олинади. “Ўткан кунлар” нашрида нега бу қоидага амал қилинмади?! Бошқа асарлар, чунончи, “Меҳробдан чаён” нашрида ҳам шу аҳвол. Бинобарин, қодирийшуносликдаги кечиктириб бўлмайдиган бош вазифа адиб асарларининг **илмий-академик нашрини тайёрлашдан иборат!** Ҳолбуки, айти шу масъулиятли юмушни қойилмақом қилиб адо этишга қодир Баҳодир Каримов, Отабек Жўрабоев сингари синчков, тажрибали, навқирон матнчи, матншуносларимиз бор.

Яна бир кечиктириб бўлмайдиган долзарб муаммо – Абдулла Қодирий шаънига муносиб уй-музейини барпо этиш. Бахтимизга, Тошкентдек шаҳри азимда буюк адиб туғилиб ўсган, шоҳ асарлари қоғозга тушган шаҳар ва боғ-ҳовлидаги уй-жой, шийпон сақланиб қолган, аммо улар Ойбек, Ғафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳор уй-музейлари каби адиб ҳаёти, ижодига оид ноёб ҳужжатлар, осори атиқаларга эга, бой, кўркем кошона ҳолига келтирилмаган. Гоҳо Қодирийнинг хориждан келадиган мухлислари унинг уй-жойини кўриш истагини билдиришганида, уларни бу масканга бошлаб боришга истиҳола қиласан киши. Ушбу даргоҳни юқорида тилга олинган адибларнинг уй-музейлари даражасига етказиш имкониятлари бор-ку, ахир! Бўлғуси уй-музей шунчаки кўрмана учун барпо этилмасдан, Қодирий ҳаёти, ижодий мероси бўйича тадқиқот, тарғиботлар маркази ҳам бўлиши даркор.

Назаримда, бу амалга оширилиши мушкул муаммо эмас. Шаҳримизда шундай улкан, кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари кетаётган паллада улғ адибга муносиб бир уй-музей барпо этиш нима деган гап! Фақат бу борада ташаббус, жонкуяр, ғайратшижоатли, тадбиркор мутасадди бўлса, бас...

Қодирий асарлари, жумладан, “Ўткан кунлар” кириб бормаган хонадонни мен ўзбек хонадони, шу нодир асарни ўқимаган ўзбекни чин ўзбек деб айта олмаيمان. Озгина орияти, миллий ғурури бор зот бу буюк яратикдан бебаҳра қолган бўлса, буни ўзи учун ор деб билиши лозим. Шуниси ҳам борки, оилалар ҳар хил. Аммо ўзбекнинг ҳар бир фарзанди бир хилда таълим берадиган мактабга қатнайди-ку. Мактаб ўқув дастури бўйича ҳар қайси ўзбек фарзандига фақат Қодирий, “Ўткан кунлар” эмас, ҳазрат Навоидан тортиб барча сўз санъаткорлари асарлари ҳақида таълим берилади. Пировардида, ўқувчи бошқа фанлар қатори айна ўша адабиёт дастурида белгиланган мавзуларни ўзлаштиргани учун гувоҳнома олади. Аслини суриштирсангиз, аксар ҳолларда у дастурни тўла ўзлаштирмаган бўлиб чиқади. Бунда ким айбдор? Мактабни қўйиб тулинг. Олий ўқув юртларини битираётганлар, илмий даража олаётганлар орасида ҳам талабга тўла жавоб бермайдиган “шогирд”ларимизга сахийлик қилган ҳолларимиз кўп бўлган. Кўриб-билиб туриб индамаймиз, аммо гурунглarda бу хусусда оқ-воҳ чекамиз.

Аслида, биз баҳслашаётган муаммоларнинг ечим йўли – формуласи осон ва соддагина: у устоз, мураббий бўладими, шогирд ўқувчи ё раҳбар, ижрочи бўладими, фуқаро сифатида зиммадаги вазифаси, бурчини виждонан, ҳалол, қонун талаби даражасида адо этса, ҳаммаси ўз изига тушиб кетади. Шўро давридаги сохта қонунлар, ҳар қадамда қонун бузилишлари одат тусини олган замондан чинакам

муस्ताқил, қонуний давлат тизимига ўтиш йўлидаги қийинчиликлар, қарангки, таълим, фан, маърифат равнақида ҳамон бизга панд бераётир.

Шукурки, аллақачон биз тўғри йўлга тушиб олганмиз, эртадир, кечдир сизу биз орзу қилган кунлар, албатта, келади. Бу йўлда ўзимиз собитқадам бўлишимиз талаб этилади, холос...

– Яна бир ғоят муҳим, айна пайтда нозик бир масала, аниқроғи, Қодирийнинг диний эътиқоди хусусидаги фикрларингизни билишни истардим. Йўл-йўлакай айтилган-ёзилган, гоҳ танқидий, гоҳ оқлов тарзидаги мулоҳазаларни ҳисобга олмаганда, бу масалага оид ҳозирга қадар махсус жиддий тадқиқотлар амалга оширилганини билмайман.

– Сиз ўртага ташлаётган савол, унда кўтарилган муаммо чиндан ҳам долзарб, айна пайтда ўта нозик ва масъулиятли. Очиғи, камина ҳам бу хусусда “Қодирий мўъжизаси” китобида бир қадар мулоҳаза юритган бўлсам-да, бу борада махсус жиддий тадқиқот яратишга журъат этолмайман, ўзимни бунга ҳар жиҳатдан тайёр эмаслигимни биламан. Модомики шундай саволни ўртага қўйган экансиз, бу масалага оид айрим кузатиш, мулоҳазаларим изҳори билан чекланаман. Аввало, шуни айтиш керакки, Қодирий кўплаб замондошлари қатори мусулмон оилада, исломий қадриятларга амал қиладиган муҳитда туғилиб, вояга етган; эски мактабда, сўнг мадрасада таълим олган; ёзишга, ижодга майл кўрсатиб қўлига қалам олар экан, матбуотда чиққан илк мақоласи “Янги масжид ва мактаб” бўлган, илк асарларидан бири “Аҳволимиз” шеърида ўзи яшаб турган давр вазияти хусусида сўз очиб, жумладан: “Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак, на Худони буйруғи бўлган улум ўрготамиз”, дея афсус-надомат чеккан. Ҳ. Қодирий “Отам ҳақида” китобида берган маълумотларга кўра, Қодирийнинг илк адабий муҳитига

дахлдор қаламкашлар орасида диний йўналишдаги ижодкорлар Камий, Тавалло, Хислат, Мискин бўлган, боз устига шоир Мискин Қодирийлар оиласига қариндош эди, Камий домла ҳам бу оиллага ўзини яқин олган (*“Отам ҳақида”, 61-бет*); адиб Тавалло, Хислат, Ғози Юнус, шунингдек, Раҳматулло домла, Алижон домла каби етук, зукко алломалар билан мунтазам мулоқотда бўлган (*“Отам ҳақида”, 92–94-бетлар*). Қодирий рус-тузем мактабида ўқиган йиллари унга форс тилидан дарс берган Алижон домлани ниҳоятда ҳурмат қилган. “Қодирий ўз умрида биргина кишини ҳурмат қилган деб фараз қилсак (албатта, ота-она бундан мустасно), ўша шахс шу Алижон домла, дейилса муболаға бўлмас... Домланинг ички дунёси ҳам нурга тўлган каби эди. Гапни ўйлаб, босиқ, содда, ёқимли сўзлардилар. Сўзларида мантиқсиз ортиқча иборалар мутлақо бўлмас, тингловчи ҳузурланар, яна-яна тингласам, дер эди. Бундай оталар “гарчи кўплаб учраса-да, негадир, айниқса, бу кишини мен Юсуфбек ҳожи образига жуда-жуда ўхшатаман”, дея тўлқинланиб ёзади хотира муаллифи (*“Отам ҳақида”, 98–99-бетлар*). Ана шундай муҳитда тарбия топган аллома ижтимоий жабҳаларда бўлгани каби имон-эътиқодда ҳам собит – шахси бутун сиймо сифатида шакланган, кейинчалик машъум шўро сиёсати, атеистик тарғибот намояндаларининг хуружи авжига минган кезлари адиб ҳаёти ва ижодида қисман чалғишлар юз берган бўлса-да, охир-оқибат асл эътиқодида собит қолган. 30-йиллари адибнинг шахсияти, асарлари устида баҳс кетган чоғлари айни ўша масалада унга бетиним ҳамлалар бўлган, қалтис сўроқларга тутишган, яқинлари уни ўшандай тазйиқлардан ҳимоя қилиш мақсадида эҳтиёткор бўлишга ундаган. Ҳ. Қодирий “Қодирийнинг сўнги кунлари” хотира-қиссасида шундай бир воқеани келтиради: Ёзувчилар уюшма-

сида ўтказилган тергов тусидаги муҳокама чоғи ҳам адабий, ҳам диний билим бобида чаламулла бир кимса адибимизга шундай савол беради: «Сизнинг ким ва қанақа ёзувчилигингизни биламиз, саволимиз шу: “Худо борми, йўқми?”

Ҳаммалари жим бўлиб қолишади. “Бор”, дедим. “Қандай исбот қиласиз борлигини?” Унинг эътиборсиз, юзаки, менсимагандай берган саволи ғашимни келтирди: “Худо борми-йўқлигини исбот қилиш, ўйлаганингизча осон, бўёқчининг нили эмас. Бунинг учун, ҳеч бўлмаганда, араб, форс, турк, рус тиллари ни мукамал билишингиз ва билибгина қўймай, ўша тиллардаги диний манбаларни синчиклаб ўқиган, ўрганган, фалсафий мушоҳада қилган бўлишингиз керак. Шундагина диний мунозарага кириша олишингиз мумкин. Масалан: “Ихлос” сурасини ўқинг-чи, мен сизга муқаддима ўрнида шарҳ қилиб берай!..” дедим». Шунда савол берган кимса анқайиб қолади. Бу борада Қодирийга бас келиш мумкин эмаслигини сезган сиёсий идора вакили ноилож баҳсни тўхтатишга мажбур бўлади.

Қодирий оила, ака-укалари даврасида шу хусусда сўзлаб берганида, Раҳимберди оғаси «Дилингда бўлмаса ҳам, тилингда “йўқ”, деб қўя қолсанг бўларди, ука», дея койиганида, Қодирий аҳдида қатъий туриб, бу хусусда яна ишончли далил келтиришда давом этади:

“ – Ўрисларни шундай зўр ёзувчилари борки, эътиқод билан яшайдилар ва ҳозир ҳам балки яшарлар. Уларга ҳеч ким бир нарса демаган, демайди ҳам. Ахир бу конституциямизда шундай кўрсатилган... Энди мен бир кишининг икки оғиз сўзи деб, қирқ йиллик эътиқодимдан қайтайми? Мунофиқлик, виждонсизлик бўлмайдими бу!

Қудратилла амаким дадамнинг сўзларини қувватлаб Раҳимберди амакимга дедилар:

Динимизнинг фалсафаси ҳам шунда-да, ака, иродали бўл, мунофиқ, тухматчи бўлма, деб ўргатади” (“Ёшлик”, 1989 йил, 6-сон, 37-бет).

Ана Сизга Қодирий қатъий эътиқодининг аниқ, ғоят ноёб ҳужжат асосидаги тасдиғи!...

Айни шундай қатъий эътиқоднинг адиб ижодидаги, асарларидаги зуҳри, тасдиғи устида ҳам гапириб берсангиз.

– Одамлар орасида ҳам, адабиётшунос-қодирийшунослар орасида ҳам бу хусусда турли-туман, бир-бирига зид гап-сўзлар, талқинларга дуч келамиз. Қолаверса, Қодирий ижодий бисотида шундай зиддиятли талқинлар учун изн берадиган ҳоллар, чунончи, ҳажв руҳида тасвирланган диндорлар билан баробар, аксинча, чуқур эҳтиром руҳи билан йўғрилган асл тақводор сиймолар образларини ҳам исталганча топиш мумкин...

– Гапни саволингизнинг охири, яъни адиб бисотидаги, адабиётшунослик атамаси билан айтадиган бўлсак, бу борадаги “ижобий” ва “салбий” персонажлар ёхуд уларнинг ижобий ва салбий талқинидан бошласам. Аслида, бу ҳол фавқулодда янгилик эмас. Мумтоз адабиётимиз тажрибаларини эслайлик. Ясавий, Навоидан бошлаб Муқимийга қадар асл сўз санъаткорлари бисотида чин тақводорлар мадҳи, уларга чексиз эҳтиром билдирилган сатрлар қатори, чаласавод, мунофиқ, илмига амал қилмайдиган диндорлар ҳажвини ҳам истаганча топиш мумкин. Бинобарин, Қодирий айни шу мумтоз адабиётимиз анъанасини янги давр, ўзгача шароитда, замонавий адабий усул, ифода, шакл, жанрлар орқали давом эттирган, Калвак махзум, Солиҳ махдум, Хатиб домла, мулла Муҳсин сингари фавқулодда ёрқин адабий типлар яратишга муваффақ бўлган. Афсус, адиб адабий меросининг бошқа қатор жиҳатлари каби бу хил адабий типлар ҳам вақтида ҳаққоний баҳосини ололмади. Чунончи, “Меҳробдан чаён”даги Солиҳ

махдумни мунаққид Миён Бузрук, аввал ҳам айтиб ўтганимдек, мазкур роман таҳлиliga бағишланган мақоласида “риёчи, мунофиқ, виждонсиз, хасис, аҳмоқ”, “ифлос тип” деб баҳолайди. Мана шу баҳо бир оз ўзгартиришлар билан узоқ йиллар мақоладан-мақолага кўчиб юрди. Ҳолбуки, ёзувчи романида бу ғаройиб зот ва унинг қисмати ҳамда шахсиятига хилма-хил ракурслардан туриб ёндашади, бу борадаги ўз тасвир принципини асарда дангал мана бундай баён этади: “Шу ергача бир неча саҳифаларни маҳдумнинг таърифи билан тўлдирдик, эҳтимолки, домланинг ғийбатини ҳам қилдик ва қилармиз. Лекин шунисидан хотиржаммизки, йўқни йўндирмадик, маҳдумнинг шаънида бор гапларнигина ёздик ва ёзармиз”. Айни пайтда ёзувчи маҳдумнинг “ҳамма нуқсонларини ювиб кетарлик” фазилатини ҳам кўрсатади; “нима бўлганида ҳам маҳдум ўз замонасининг энг олдинги одамларидан, Қўқон аксариятининг саводхон бўлишларига сабабчи устозларидан, ҳатто улуғ хизматларга киши етиштириб бергучи нодир муаллимлардан” эканини алоҳида таъкидлайди. Айни шундай шахсларни “орттирмай ва камитмай”, “ўз ҳолича кўрсатиш”, “бор гапларнигина ёзиш” принципидан келиб чиқиб, бошқа асарлари, чунончи, “Обид кетмон”даги Хатиб домла, мулла Муҳсин каби руҳонийлар образини ҳам шундай муносиб самимият билан тасвир ва талқин этади; ҳатто бошда хийла кескин ҳажв ва масхара руҳида кўрсатилган Калвак маҳзум сиймоси асар охирида ўқувчида ўзига нисбатан қандайдир ачиниш, қисман хайрихоҳлик уйғотадиган бир ҳолда намоён бўлади.

Демак, биз тилга олган асарлар, улардаги диндор-руҳоний шахслар талқинида адибнинг асл диний-исломий эътиқоди зуҳри шу тариқа намоён бўлиб туради. Илк романи “Ўткан кунлар”да эса,

Юсуфбек ҳожи тимсолида ўз даврининг диний-исломий ақидалари асосида адолат йўлини тутган тараққийпарвар, юксак маърифатли давлат арбобининг беқиёс сиймоси фавқулодда бир маҳорат билан бадиий кашф этилган.

“Ўткан кунлар” ёзиб тамомланган 1920 йил билан “Меҳробдан чаён” дунё юзини кўргунга қадар ўтган салкам ўн йиллик давр тўзонлари боис Қодирий ҳаёти, қисмати, руҳий-маънавий, ижодий оламида кескин зиддиятли силсилалар содир бўлди. Матбуотдаги динга оид айрим мақола ва чиқишларида давр сиёсати таъсирида гоҳо бир ёқлама “қизиллашиш”, жангари, ҳужумкор майллар кузатилди. Аммо оқил адиб тезда ўзлигига қайтади. Хусусан, 1926 йили юз берган мудҳиш ҳодиса – адиб устида кетган жиноий иш жараёни унинг ҳаётида туб бурилиш ясайди. “Суддаги нутқ” деб аталган турихий ҳужжат адибнинг ҳаёт ва ижоддаги манифести каби янграйди.

Айни шу суд жараёни, ўз манифести изҳоридан сўнг ёзилган “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” асарларидаги бошқа кўплаб ижтимоий-маънавий ҳаёт муаммолари қатори динга, диндорларга муносабат, руҳонийлар образи талқини ҳам ўзгача, фавқулодда бир аҳамият касб этади. Хатиб домла, мулла Муҳсин тасвиридаги енгил ҳажв, ҳазил-мутойиба унсурлари улар шаънига асло соя ташламайди, аксинча, уларга бўлган самимиятни акс эттиради. Обид кетмондек беш вақт намозни қанда қилмайдиган тақводор одамнинг қишлоқдаги энг мўътабар, ҳалол, ишбилармон-тадбиркор, раҳбарлик лавозимига муносиб сиймо сифатида талқин этилиши Қодирий чин эътиқодининг ёрқин бир ифодаси, қолаверса, адиб идеалларининг ўзига хос намоёиши сифатида қадрлидир.

Кези келганда айтиб ўтай. Баъзи ҳамкасбларимиз “Обид кетмон” қиссасидаги бу хил талқинларни

30-йиллар шароитида юз бериши мумкин бўлмаган “уйдирма”, муболаға дейишади. Лекин шахсан мен 30-йилларда – болалик давримда айнан шундай ҳодисанинг гувоҳи бўлганман. Менинг падари бузрукворим – Қўқон мадрасасида таълим олган тақводор, билимдон, ҳалол меҳнаткаш шахс Нормат қори аввал қишлоқ кенгаши, сўнг жамоа хўжалиги раиси бўлиб хизмат қилган; ўшандай лавозимларда ишлаган кезлари ҳам пинҳона беш вақт намозини, рўзасини асло қанда қилмаган, айни пайтда ҳар қанча ташвиқ, тарғиботларга қарамай, компартия сафига кирмаган.

Кўряпсизми, ҳали бу беназир истеъдод соҳиби шахсияти, ижодий бисотининг очилмаган қирралари беҳисоб.

Модомики сўз адиб чин эътиқодининг асарларидаги зуҳри устида кетаётган экан, суҳбатимиз пировардида бу жиҳатдан беқиёс нодир намуна – “Ўткан кунлар” устида озгина тўхталиб ўтсам. Биласиз, XIX аср рус насрининг даҳолари Л. Толстой, айниқса, Ф. Достоевский романларида замондош насроний рус миллатига хос ҳаёт тарзи, руҳияти, кайфияти фавқулодда бир маҳорат ила жамики қирралари билан намоён бўлган. Миллий романчилигимиз асосчиси Қодирий “Ўткан кунлар”да айни ўшандай миссияни адо этишга, яъни мусулмон ўзбек ҳаёт тарзига хос беназир маънавий бисотни бор ҳолича жамики қирралари ила гавдалантиришга эришган.

Роман шундай сатрлар билан бошланади: “1264-нчи ҳижрия, далв ойининг 17-нчиси, қишқи кунларнинг бири, куюш ботқан, теварақдан шом азони эшитиладир...” Охирги жумла “теварақдан шом азони эшитилар эди...” тасвирга ўзгача руҳ бахш этади.

Роман хотимасида Юсуфбек ҳожи Авлиёотадан бир хат олгани, унда Отабек Олмаота устидаги ўрус билан тўқнашувда “қаҳрамонона уришиб шаҳид

бўлган” и хабар қилинади. Бу хабар чоғи ҳожи билан она қандай аҳволга тушиши сизу бизга аён... Бироқ сизу биз кутган ҳолат рўй бермайди, шум хабардан ота-она дод-фарёд кўтармайди, дарду дунёсини ичига ютиб, тақдирга тан бериб, аза расм-русумларини адо этишга тушадилар. Боз устига, Отабекнинг ҳалокати шунчаки ўлим эмас, у ёв билан қаҳрамонона уришиб шаҳид бўлган... Ёзувчи мана бу хабар билан чекланади: “Юсуфбек ҳожи хатми Қуръон қилиб, юртка ош берди. Ўзбек ойим қора кийиб, таъзия очди”. Чинакам тақводор донишманд ўзбек энг мушкул вазиятларда ана шундай йўл тутди. Айни пайтда бу паллага келиб ўзгача аёлга айланган Ўзбек ойим бардоши, матонатига ҳам қойил қоласан, киши...

Реалист ёзувчи мусулмон миллат ҳаётининг, миллат асл фарзандларининг кўз-кўз қилишга арзигулик марғуб томонлари билан баробар кишида афсус-надомат уйғотадиган нохуш зиддиятли жиҳатларини ҳам мардона бир тарзда рўйи-рост кўрсатади. Хонликлар даврининг мана бу манзараларига бир назар ташлаб кўринг-а:

“Халқимиз таъбирича, у замонлар “мусулмонобод” бўлса-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб қўятурган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриштуриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариатча эди. Уғирлиқ қилган учун қўл кесиладир ва ё дорға осиладир. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадилар, ичкулик ичкан учун қирқ дарра уриладир. Раис афанди мулозимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текширадилар, фарзи айн билмаганларни урдирадилар эди. Иш шунчалик нозик бўлатуриб ҳам ўғрилар ўз тирикликлари орқасидан қолмайдилар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари орқасидан тешилиб, моллари ўғирлана бера-

дир, пештоқдан қопқа бўғилиб, ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадирлар. Бутун умрида пешанаси сажда кўрмаганлар ҳам кўб, аммо фарзи айнинг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрай олар эди. Кўб кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томондан расмий суратда ичкулик сотиш билан тириклик қилғучилар ҳам йўқ эмас эдилар...” (“Ўткан кунлар”дан.)

Ўта шафқатсиз бир тарзда алам-изтироб билан чизилган бу манзаралар ўқувчини ҳушёр торттиради. Адибнинг энг суюкли қаҳрамонлари ана шундай муҳитда, унинг бетиним босими остида яшайдилар, изтироб чекадилар, улар таъсирида гоҳо чалғийдилар.

Бундан ҳам ёмони ғаламисларнинг динимизга ёт қутқуси, гуноҳи азими касофатидан эл-юрт бошига мислсиз фалокатлар ёғилади, қипчоқ қирғини ҳам аслида шу ғаламислар ишидир.

Қипчоқ қирғини воқеасидан сўнг Юсуфбек ҳожи ҳузурида тор доирада ўша мудҳиш ҳодиса устида суҳбат кетади. Шунда маҳалла имоми Юнус Муҳаммад охунд сўз олиб дейди: “Жаноби пайғамбари Худо ҳадиси шарифларида айтадирларким: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Колан набию алайҳиссалом: “Иза вуссидал амру ила ғайри аҳлихи фантазирис соата”, яъни, ул Сарвари коинот марҳамат қилурларким: “Агар бир қавмнинг иши ноаҳл одамларга топширилган бўлса, бас, ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил, яъни ҳалокатига мунтазир бўл”. Бас, бизнинг корларимиз ҳам кўб фурсатлардан бери ноаҳл одамларнинг қўлиға қолиб ва ҳар замон ул нобакорлар бизларнинг бошимизга анвоъи кулфатлар соладирлар. Илоҳи, кори бадлари ўз бошлари бирлан дафъ бўлғай...”

Шунда Ҳожи охунд унинг сўзини маъқуллаб, вой бўлсин биз бадбахтларнинг ҳолига», дейди.

Илова: "Ўткан кунлар"нинг 1926 йилги нашрига 1933 йили киритилган тахрир, тузатишлардан намуна.



1933 йили 7 февраль

264
2
1933

I. ОТАБЕК ЮСУФБЕК ҲОЖИ ЭГЛИ

— Икки хужра, дала! сўзининг 17-иқсоз, қишқик кунларнинг бири, кўбеш ботқан, тезирақдам шом эзоини эшитиллади.

Дарвозаси шарққ-жаҳубига қаратиб қурилган бу донгдор саройи Тошқана Самарқанд ва Бухоро саздогарлари қалағачлар, саройдаги бир-икки хужрани истисно қилиш билан бошқалари мусофирлар ила бўла. Сарой ақли хундусти иш кучларидан бўшиб хужраларига қайтганлар, кўб хужралар кечлик ош пилириш иш машғул, шунинг учун кундустига қараганда сарой жонлик кишиларнинг шаҳиллашиб сўзлашувлари, хахоллаб култишлари баройи кўжа кўтаргундек.

Саройнинг тўрда бошқаларга қараганда кўрканрак бир хужра, эзоин хужраларга хийил тўшалгани ҳолда, бу хужрада қишқик гилем, утталарда беш кўрчалар қурилган бўлса қандай ила ва адрас кўрчалар, наригиларда қора тўроғ сасиғанда, бу хужрада шамъ ёнади. Ҳа хужраларда енгил табиғатли сарқакча кишилар бўлганда бу хужранинг эзоин ҳам бошқача артилишда.

Ошр табиғатлик, улуғ гавдалик, кўркан ва оқ юзли, хелишкан қора кўзли, мутаносиб қора қошлиқ ва элдигина мурти саба урган бир йилит. Бас, бу хужра бики ва жикоз ёғидан ҳам эга жикозидан диққатини ўзига жалб этарак, эди Қашқадузор бир ҳаёл энда йетүүчи бу йилит Тезик/қаник машқур эдиларидан бўлган Юсуфбек хожининг ўгли — Отабек.

Сарой дарвозасидан эжа киши қолиб кўргач, улардан бирани дарвоза екидаги кичдазлар сўради:

— Отабек шу саройга тўшкани?

Бизга таниш хужра кўрсатилгани билан улар шу томонга қарб юрделар. Бу икки хужранинг биттаеи гавдага хийил, элга тўла, озоққина соқол-мурқил итерида беш ёшлар қамалли бир йилит бўлиб, Марғиланининг бойларидан Зий шозин леғалининг Раҳмат отаи сўзгадир, иккинчиси: узун бўйлиқ, қора чўтир юзлик, чагир кўзли, тўзақ соқол, йетүү беш ёшларда бўлган кўрқини бир икки эди. Бу йилит яҳининга даладан бўлса ҳам дилин шухрати нама учурди боғани билан бўлмай, «ҳомид хо-

1 Дала — 22 январь 22 (1933)
2 Ҳана — у с. 24

«тинбо» деб шухратланган, кишилар Хомид борқосидан сўзлаш-
канда унинг отига тўқилган дақабини қўшиб айтмасалар ёлғиз
«Хомидбой» дейиш билан унинг таътига олмайдирлар. Хомиднинг Ота-
бек билан тангашини бўлмаса ҳам Раҳматга яқин қариндош —
Зиё шодичинини қайишти, Раҳматнинг тоғаси.

Улар дўжрага келиб кирдилар. Отабек келбўчиларни улуғлаб
қаршилади.

— Ўзай келчирсан, бек ака, — деб Раҳмат уэр айтди. — вақт-
сан келиб сизни тикчезилдик.

Отабек уларга юқоридан жой кўрсатар экан, ёқимлик бир ва-
сиятда:

— Тизичкилмақинишлар, бильяке қувонтирдигилар, — де-
ди. — шаҳринигога биринчи мартаба келишим бўлгани учун та-
нишсаллик, ёлғимлик мени жуда эриктирган эди.

Шу орада дўжрага бир чол кириб ул ҳам меҳмонлар билан
сўрашиб чиқди. Бу чол Хасанали оталик бўлиб олганиш ёшлар ча-
масида, чўзиқ юзлиқ, дўнгитроқ пешоналик, сарикча мойил, тўга-
рак қора кўзлиқ, ошпақ узун соқолиқ эди. Соқолининг оқидиги
қарамасдан унинг қаддида келсалик аломатлари сезилмас ва ту-
спила ҳам унга ўзгартиш йўқ эди.

Отабек меҳмонларни тангаша ўтқўзиб қоғаддан сўнг Хасана-
лидан сўради:

— Туликмиш, ота?

— Худобга шукур. — деди Хасанали. — болгидан бир оз етга-
лади. Маъмурия не теккан экан?

— Ўзай юкишлар буюрсам...

— Буюриптик, ўғлим.

— Раҳмат, ота, бўлмасе билга чой қайнатиб берсалмишчи.

— Ҳўб, бергим.

Хасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайта соғлик
сўрашувидан кейин сўради:

— Бу киши кимкига бўлади, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай эшикка қаради.
Хасаналини дўжрадан узоқлатиб сўнгра жавоб берди:

— Қулимиз.

Бу сўздан илма учумлар Хомид ажизланган эди.

— Қулинми?

— Шукор.

Хасаналини болалиқ вақтида Эрондан киши ўғирлиб келгучи
бир туркман қўлидан Отабекнинг бобоси ўн беш қўлдо баробари-
га сотиб олган эди. Хасаналининг Отабеклар оиласида қўлиқда
бўлганига элди йиллар чамаси эмон ўтиб, элди Отабеклар оила-
сининг чин бир аъдоси бўлиб кетган. Хужаси Юсуфбек домига,
айниқча хўжасолини, Отабекга ифтоат ва ялғоси тои бўлиб, бу-
нинг эъзозига улاردан ҳам ишонч ва ҳурмат кўрар эди. Хасанали
ўтуз ёшлиқ вақтида сотиб олган бир чўрига уйлантирилган бўл-
са ҳам, аммо ўтуз-қизлари бўлмаган, бўлсалар ҳам ёшлиқда ўлиб

Чиндан ҳам бу гаплар ҳаётда рўй берди – миллатнинг тақдири ноаҳл одамларга топширилгани боис чиндан ҳам қиёмат кўпди, шавкатли хонлик ёв оёғи остида топталиш арафасига етди.

Нажот йўлини тополмай изтироблар оловида қоврилган табаррук қария энди дунё можароларидан этак силкиб, охират тадоригини кўриш пайига тушади, кўп вақтини меҳмонхонада Куръон ва “Далойил” ўқиб ўтказади...

Шу тарздаги бошдан-оёқ ҳам ижтимоий, ҳам миллий-илоҳий ақида-таомиллар руҳи билан йўғрилган беназир ифода, теран талқинлар асарга беқиёс дилтортар руҳ, ажиб жозиба бахш этган.

“Ўткан кунлар”нинг айна шу жиҳатлари ўзининг нозик дидли, билимдон чин тадқиқотчиларини кутаётир. Романдаги бу ноёб хислат фақат ўзимизда эмас, хориждаги ҳамкасбларимизни ҳам мафтун этаётир. Олис америкалик ёш тадқиқотчи Жэксон Кэллог айна шу мавзуда магистрлик диссертациясини ҳимоя қилгани бежиз эмас.

Собиржон ЁҚУБОВ
суҳбатлашди.

МУҲДАРИЖА

Баҳодир КАРИМОВ. Хотира ҳикмати.....	3
Хотираларда адиб сиймоси.....	8
Қодирийнинг сўнгги илтижоси.....	35
Чин эътиқод, беназир истеъдод соҳиби.....	44

Адабий-тарихий нашр

Умарали НОРМАТОВ

ҚОДИРИЙНИНГ СЎНГГИ ИЛТИЖОСИ

Муҳаррир Абдул Жалил ХЎЖАМ
Бадий муҳаррир Баҳром ИКРОМОВ
Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ
Мусаҳҳиҳа Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2014 йил 3 мартда топширилди. Босишга
2014 йил 5 мартда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз
бичими 84 x 108 ^{1/32}. Ҳарф гарнитураси Palatino Linotype.
Офсет босма усули. Ҳисоб-нашриёт т.: 2.26. Шартли б. т.: 4,0.
Адади: 1000 нусха.
40-сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди. *
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.
Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.
Тел: (8-371) 227-34-30

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.